

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК

Якубов Улуғбек Алишерович

Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни саноат тармоқлари
бўйича самарадорлиги таҳлили

5А 231102 – Ташқи иқтисодий фаолият

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: Проф. Ш.А.Тошматов

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг назарий-ҳуқуқий асослари	8
1.1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва уларга таъсир қилувчи омиллар	8
1.2. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш усуллари ва ҳуқуқий асослари	14
1.3. Инвестицион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари	19
1-боб бўйича хулоса.	26
II боб. Саноат тармоқларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар самарадорлиги таҳлили	28
2.1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган шарт-шароитлар	28
2.2. Саноат тармоқларида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини белгиловчи омиллар	34
2.3. Етакчи саноат тармоқларида тўғридан тўғри хорижий инвестициялар самарадорлиги таҳлили	42
2-боб бўйича хулоса	57
III боб. Миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш йўналишлари	59
3.1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари	59
3.2. 2013 йилда иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг устувор йўналишлари	64
3.3. Етакчи саноат тармоқларида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари	69
3-боб бўйича хулоса	77
Хулоса ва таклифлар	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	85
Иловалар.	91

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти шароитида Республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат мулкчилиқни барча шаклларида бирдай фойдаланиш, натижада эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизим ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишга қаратилган. Бундай мақсадни амалга оширишда албатта, ортиқча капитал танқислигининг юзага келиши ривожланган давлатлар тажрибасидан яхши маълум. Юзага келган бундай танқисликни бартараф этишда мамлакат иқтисодиётига киритилган хорижий сармоялардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда инвестицион лойиҳаларни хорижий инвестор капитали ҳисобига молиялаштириш инвестиция маблағлари билан бирга янги ва замонавий технологияларни ҳам иқтисодиётга олиб киришни алоҳида эътиборга олиш лозим.

Президентимиз таъкидлаганларидек “Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шarti ва манбаи бўлмоғи керак. Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги мураккаб шароитда биз эришган бу натижанинг аҳамияти ва моҳияти янада яққол аён бўлади.

Кейинги 10 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсгани эътиборга сазовордир.”¹

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга

¹ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига қараб иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар ва силжишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Жаҳон амалиётида инвестициялар самарадорлигини оширишнинг энг устувор йўналиши сифатида тўғридан тўғри инвестицияларга катта аҳамият берилади. Чунки улар хорижий капитал иштирокидаги корхоналар кўринишида давлатнинг ҳудудий тақсимоотида иштирок этади. Бу борада самарадорликка эришиш учун молиялаштириш манбаларидаги хорижий инвестицияларнинг улуши $\frac{3}{4}$ қисмини ташкил этиши ҳамда унинг асосий қисмини тўғридан тўғри инвестициялар ташкил этиши лозим бўлади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилмоқда.

Инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва кимё саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқариш, қурилиш, телекоммуникация тармоқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни кенг қайта ишлаш каби соҳаларни ривожлантиришга қаратилмоқда.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон саноат тармоқларига тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнларини таҳлил қилиш асосида уларнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини чуқур ўрганиш диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Магистрлик диссертация мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Ушбу мавзу долзарблиги ва иқтисодиётни такомиллаштиришда тутган ўрнининг ниҳоят даражада кенглиги билан доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг диққат марказида бўлган. Хусусан, мавзу юзасидан хорижлик олимлардан Шарп У., Александер Г., БэйлиДж. Гитман Л, Джон М.Д., Родионов Ю., Портер Р.С., Деверюкс Д., Б.Робертслар илмий янгиликлар яратган бўлсалар, республика олимларидан Чжен В.А., Ғуломов С.С., Ё.А. Абдуллаев, Хикматов О.Х., Бекмурадов А.Ш., Расулев А.Ф., А.Ваҳобов,

Н.Жумаев, Н.Ҳайдаров, М.Шарифхўжаев, Д.Ғозибеков, Н.Каримов катор илмий тадқиқотлар олиб боришга муваффақ бўлишган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистоннинг етакчи саноат тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари. Ушбу мақсадга эришишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш режалаштирилди:

- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- инвестицион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари кўриб чиқиш;
- саноат тармоқларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар самарадорлигини таҳлил қилиш;
- миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш;
- иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг устувор йўналишларини аниқлаш;
- етакчи саноат тармоқларида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш истиқболларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Илмий тадқиқот ишининг объекти сифатида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этаётган Ўзбекистон саноати олинди.

Тадқиқот предмети бўлиб тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг самарадорлиги ва уларни жалб қилишни такомиллаштириш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг методологик асослари. Диссертация ишини ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, Вазирлар Маҳкамаси

қарорлари, профессор олимларнинг мавзу доирасида олиб борган тадқиқотларидан фойдаланилди.

Шунингдек таҳлил юритишда индукция, дедукция, таҳлил ва боғлиқлик, мавҳумийликдан аниқликка силжиш усуллари билан бир қаторда анализ, синтез, статистик ва математик кўрсаткичлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Мамлакат иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилишнинг истиқболли жиҳатларини таклиф этишга йўналтирилган ушбу илмий тадқиқот ишининг асосий натижаларидан республикада инвестицион фаолиятни, тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштиришда, шунингдек “Халқаро капитал бозори ва инвестициялар”, “Хорижий инвестициялар”, “Ташқи иқтисодий фаолият” каби махсус фанлардан маъруза матнларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги. Диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги қуйидагилардан иборат:

- саноат тармоқларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар самарадорлиги таҳлил қилинган;
- иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг устувор йўналишлари аниқланган;
- миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш йўналишлари бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Илмий ишнинг тузилиши ва таркиби. Диссертация кириш қисми, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, иловалар ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти, услуб ва услубияти, илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти ва ҳажми кўрсатилган. Асосий қисм уч бобдан иборат:

Биринчи боб уч параграфдан иборат бўлиб, биринчи параграфда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва уларга таъсир қилувчи омиллар, иккинчи параграфда хорижий инвестицияларни жалб қилиш усуллари ва ҳуқуқий асослари, учинчи параграфда инвестицион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари кўриб чиқилади.

Диссертация ишининг **иккинчи боби** ҳам уч параграфдан ташкил топади. Иккинчи бобнинг биринчи параграфида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган шарт-шароитлар ёритиб берилган. Иккинчи параграфда саноат тармоқларида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини белгиловчи омиллар баён қилинади. Учинчи параграфда етакчи саноат тармоқларида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг самарадорлиги таҳлил этилади.

Учинчи боб учта параграфдан иборат. Биринчи параграфда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари ёритилса, иккинчи параграфда 2013 йилда иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилади. Учинчи параграфда етакчи саноат тармоқларида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари ўрганилади.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Диссертацияда Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган шарт-шароитлар ёритиб берилган, саноат тармоқларида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини белгиловчи омиллар, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари кўриб чиқилган ва умумий хулосалар берилган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Магистрлик диссертациянинг хулоса қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, назарий ва амалий аҳамиятга эга хулоса ва таклифлар берилган.

I БОБ. ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва уларга таъсир қилувчи омиллар

Иккинчи жаҳон урушидан кейин давлатлар ўртасида бошланган либерал иқтисодий тизимнинг энг муҳим омилларидан бири хорижий инвестициялар эканлиги яхши маълум. Уларнинг асосий шаклларида бири бўлган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, аввалига Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида, кейинчалик Хитойда ва ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда миллий иқтисодий ўсишга катта таъсир кўрсатмоқда.

Хорижий инвестициялар – бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликларидир. Иқтисодий мазмунига кўра хорижий инвестициялар ссуда капитали (яъни қарз ва кредит), ҳамда тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларга бўлинади. Инвестициялар нимага йўналтирилганлиги улар қайси хорижий инвестиция турига киришини белгилайди.

Хорижий инвестициялар қўшма корхоналарда ўз хиссаси билан қатнашиб, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда қатнашиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиши, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришлари мумкин.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашиб, савдо йўлидаги тўсиқлар камайиб, солиқ қонунлари ва тартибга солувчи режимлар эркинлашиб бораётган ҳозирги шароитда четдан киритиладиган инвестиция оқимлари тез суръатлар билан ўсмоқда. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг дунё бўйича умумий ҳажми 1980 йилдагига қараганда 14 баравардан зиёд ўсиб, 2010 йил

ҳолатига, жами 11 трлн. АҚШ доллариға етди. Ҳозирги вақтда бутун дунёда 64 мингга яқин мамлакатлараро компаниялар мавжуд бўлиб, улар 870 мингга хорижий шубба корхоналари фаолиятини назорат қилиб туради. Ушбу корхоналар сотилаётган маҳсулотлар ҳажми тахминан 18 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. Бу эса ўз навбатида, бутун жаҳон экспорти ҳажмининг 2 бараваридан зиёддир².

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардидааҳолининг меъёргади турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

Инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва кимё саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқариш, қурилиш, телекоммуникация тармоқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни кенг қайта ишлаш, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Мақсадига кўра, хорижий инвестициялар тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларга бўлинади. Портфель инвестициялар (portfolioinvestment) - шундай инвестицияларки, бунда капитални даромад олиш мақсадида корхоналарнинг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозларини

² А.В.Вахабов, Ш.Х.Ҳажибакиев, Н.Г.Муминов. Хорижий инвестициялар: - Т.: “Молия”, 2010. – 47-50, 54-б.

сотиб олиш учун сарфланади. Бундай инвестициялар корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолияти устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқини бермайди. Хорижий портфель инвестициялар барча халқаро операцияларни амалга оширишда фирмалар учун муҳим аҳамиятга эга. Бу турдаги инвестицияларга, асосан, молиявий муаммоларни ечиш учун мурожаат қилинади. Корпорацияларнинг молиявий бўлимлари маблағларнинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга қисқа муддатли инвестициялардан юқори фойда олиш учун ўтказадилар. Бундай инвестициялар, кўпинча, хусусий тадбиркорлар капиталига асосланган, баъзида эса ўз қимматбаҳо қоғозларини чиқаради ва хорижий қимматбаҳо қоғозларини сотиб олади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – бу капитални тўғридан-тўғри экспорти бўлиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Бунда корхона асосий компаниянинг хориждаги шахобчасига айланади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, асосан хусусий тадбиркорлик капитали шаклида булади.

Халқаро статистикада инвестицияларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар турига киритиш бўйича ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Хорижий инвесторлар томонидан назорат қилиш ҳуқуқини белгиловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акционерлик капиталининг хиссаси кўрсаткичидан фойдаланилади. Бу кўрсаткич АҚШда 10%, Франция ва Буюк Британияда 20% га яқин, Германияда 25%дан 50% гача, Ўзбекистонда эса 49% даражасида белгиланган³. Шунингдек, шу корхонанинг бошқарувида тўғридан-тўғри амалга оширилатган инвестицияларнинг узок муддатли эканлиги ҳам унинг муҳим белгиларидан биридир. Инвестициянинг бу кўриниши таваккалчиликни, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги учун маъсулиятни давлат ва аҳоли зиммасига юклагандан, балки уларни тадбиркорлик тизимлари ўртасида тақсимлашнинг энг яхши ва синалган усули ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри инвестициялар икки мақсадга йўналтирилади:

³ Ё.К.Қориева, И.У.Нематов “Хорижий инвестициялар” фани бўйича таълим технологияси. / “Иқтисодий таълимдаги ўқитиш технологияси” сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2008, 154-бет.

1. Янги компания ташкил этиш.
2. Банкрот бўлган компанияларни харид килиш.

Халқаро компанияларнинг пайдо бўлишига қадар барча хорижий инвестициялар портфель инвестициялар шаклида бўлган. ТТХИ XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб ривожлана бошлади, аммо бу йилларда портфель инвестициялар ҳажми тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига нисбатан икки баробар кўп эди.

ТТХИнинг аниқ молия-саноат гуруҳлари, халқаро фирмалар, ТМК фаолияти орқали амалга оширилиши уларга муайян устунлик беради. ТТХИни бошқариш портфель инвестицияларга қараганда осон бўлиб, уларнинг «ўйин қоидалари» аниқроқдир. Ушбу ҳолат бозор иқтисодиётини тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги қирқ йил ичида ТТХИ ҳажмининг барқарор суръатларда ўсиши натижасида уларнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши саккиз бараварга ошди ва ҳозирда 16%ни ташкил этади. XXI аср бошларида ТТХИ ички инвестициялар ва ташқи савдога қараганда жадалроқ ривожланмоқда. ТТХИ жаҳон хўжалиги глобаллашувининг асосий омилига айланди. ТТХИ фаоллашувининг сабаблари ва ҳаракатлантирувчи кучлари қуйидагилардан иборат:

- ТТХИ ёрдамида миллий бозорларда монополистик фойда олишнинг мумкинлиги;
- ташқи савдога нисбатан қўшимча фойда олиш имконияти;
- ТМКнинг ТТХИни элтувчилари сифатида майдонга чиқиши;
- ТТХИга нисбатан ривожланаётган мамлакатлар эҳтиёжининг кескин ўсиши;
- реципиент-мамлакатларда ТТХИни жалб қилишни рағбатлантирувчи механизмларнинг шаклланиши.

XXI аср бошларида ТТХИ ҳажмининг жадал суръатлар билан ўсиши ва уларнинг халқаро миқёсда бошқарилиши зарурияти инвестициялар билан ташқи савдо миқдори ўртасида боғлиқлик масалаларини тадқиқ этишни

тақозо этмоқда. ТТХИ ҳажми ташқи савдонинг ўсиш суръатлари ва ривожланиш истикболларига жиддий таъсир ўтказади. Улар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагиларда намоён бўлади:

- ташқи савдо иқтисодий ўсиш омили сифатида тан олинган;

- ТТХИ хорижий бозорларга товар ва хизматлар етказиб беришнинг воситаси, халқаро ишлаб чиқариш тизимининг асоси сифатида жаҳон савдосининг йўналишлари, ҳажми ва таркибига жиддий таъсир кўрсатади;

- жаҳонда аксарият мамлакатлар ТТХИнинг иқтисодий ривожланиш жараёнидаги ижобий ўрнини қўллаб-қувватлашмоқда. Ушбу ҳолат мазкур мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган хорижий инвестициялар борасидаги сиёсатда ўз аксини топмоқда. Шу билан бирга, ТТХИ оқимида жаҳон мамлакатлари томонидан олиб бориладиган ташқи савдо сиёсати ижобий таъсирини ўтказади;

- жаҳон иқтисодиётида ТТХИ ва ташқи савдодан иқтисодий ривожланишда уйғунликда фойдаланиш лозим.

ТТХИ миллий иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ички жамғармалар даражасидан кўпроқ миқдорда капитал жамғариш, тўлов балансини қўллаб-қувватлаш ва импорт қилиш имкониятини кенгайтириш орқали иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. ТТХИ алоҳида корхоналарнинг фаолияти ишлаб чиқариш ва капитал самарадорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва менежмент тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Ушбу жараёнлар маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилар, буюртмачилар ва рақобатчиларга билвосита таъсир кўрсатиш орқали ички бозорни ривожлантириш, ишчиларнинг малакаси ва амалий тажрибасини оширишда ёрдам беради.

Тадқиқотлар кўрсатишича, миллий иқтисодиётнинг ТТХИни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳолати ички бозор ҳамда экспортнинг ҳажми, табиий ва минерал ресурслар, малакали ишчи кучи

мавжудлиги, бозор ислохотларини амалга ошириш суръатлари, иқтисодий барқарорлик омиллари билан боғлиқдир.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг ТТХИни жалб қилишдаги жозибадорлигини белгиловчи омилларни 5 гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) Бозор омиллари (ички бозор ва экспорт имкониятлари).
- 2) Бой табиий ресурсларнинг мавжудлиги.
- 3) Ишлаб чиқариш харажатлари омиллари.
- 4) Инвестиция муҳити.
- 5) Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш стратегияси.

Умуман, ТТХИни инвестициялаш мақсадига кўра қуйидаги 5 турга гуруҳлаш мумкин:

1. Ички бозорни эгаллашга йўналтирилган инвестициялар.

Ушбу инвестициялар ташқи савдодаги мавжуд тўсиқларни айланиб ўтиш мақсадида амалга оширилади. «Бозор излаш»дан манфаатдор компаниялар, одатда, ТТХИни қабул қилувчи мамлакатларда янги бозорларга кириб бориш, унинг муайян қисмини эгаллаш ва танлаш имкониятларини кенгайтириш нуқтаи назаридан амалга оширадilar. Ушбу компаниялар учун ички бозор ҳажми ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори муҳим аҳамиятга эга.

2. Экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар. Ушбу инвестицияларни жалб этиш учун мамлакатлар малакали ва арзон ишчи кучига эга бўлишлари лозим. Бунда макроиқтисодий ва сиёсий барқарорлик, хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мукамал тизими, солиқ имтиёзларининг мавжудлиги каби омиллар муҳим аҳамият касб этади.

3. Ресурс излашга ихтисослашган инвестициялар. Ресурс излашдан манфаатдор фирмаларни, биринчи навбатда, мамлакатда ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги қизиқтиради.

4. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида йўналтирилган инвестициялар. Хорижий инвестицияларнинг ушбу тури

компаниялар томонидан ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш орқали нисбий афзалликларидан самаралироқ фойдаланиш мақсадида амалга оширилади. Мазкур гуруҳ инвестициялари, одатда корпоратив стратегияга асосланади.

5. Технологияларни янгилаш мақсадида амалга оширилган инвестициялар. Ушбу турдаги инвестициялар юқори технологияли ишлаб чиқариш — электроника, биотехнология, нанотехнология ва саноатнинг бошқа янги тармоқларида жамланган.

Амалда компаниялар бир вақтнинг ўзида бозор излаш, экспорт бозорига йўл топиш, самарадорликни ошириш ва ресурслар кидириб топиш каби омиллардан келиб чиққан ҳолда инвестицион қарорлар қабул қиладилар. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига ТТХИни киритишда йирик компаниялар аксарият ички ва экспорт бозори салоҳияти мавжуд ресурсларга эришиш имкониятига алоҳида аҳамият беришмоқда.

1.2. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш усуллари ва ҳуқуқий асослари

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, турли хил рискларни, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига, чет эл инвестицияларининг кириб келишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни, кўпроқ, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд, яъни:

- Улуши қўшилиб қатнашиши орқали қўшимча корхоналарни ташкил этиш;

- 100% мол-мулк хорижий инвесторларга тегишли бўлган хорижий корхоналарни ташкил этиш;

- йирик хорижий компания ва фирмаларнинг шуъба корхоналари ва филиалларини ташкил этиш;

- концессия ва лизинг шартномалари тузиш;

- тендерлар эълон қилиш;

- эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш;

- молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш.

Хорижий корхоналарни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш бугунги кунда кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ташкил этилиши мумкин. Йирик хорижий компания ва корхоналар ўз мол-мулклари бир қисмини ажратиб, шуъба корхоналар очиши мумкин. Бундай шуъба корхоналарга ҳам қўшма корхоналарга қўйилган талаблар белгиланган.

Икки ёки учдан ортиқ давлат ёки корхоналар ўз капиталларини жамлаган ҳолда ҳалқаро ташкилотлар ташкил этиши мумкин.

Концессия шартномалари - бу табиий бойликларни, айрим фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва ўзлаштириш учун тузилган шартномалардир.

Лизинг шартномаси эса чет эл инвестициялари иштирокида асбоб-ускуналарни, техника-технологияларни узоқ муддатга ижарага олиш.

Тендерлар эса танлов асосида инвесторларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилишидир.

Эркин иқтисодий ҳудуд – бу маълум ҳудудда чет эл инвестициялари эркин кириб келиши ва уларга нисбатан қатор имтиёзлар белгиланган ҳудуддир. Ўзбекистон Республикасининг "Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонунида эркин иқтисодий ҳудудга қуйидагича таъриф берилган: "Эркин иқтисодий ҳудудлар – минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган,

аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир". Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш жараёнида давлат қўллаб-қувватловчи, рағбатлантирувчи ҳамда назорат қилувчи сифатида бош ислоҳотчи бўлиши лозим. Давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида қатнашиши хорижий мамлакатлар тажрибасида аниқ намоён бўлади. Масалан, Хитой ҳукумати 1 доллар чет эл инвеестицияларни жалб этиш учун 4 доллар ўз маблағларини сафарбар этган. Натижада, миллий ва асосан, хорижий инвесторлар ҳудудларга инвестициялар кирита бошлаган, бу эса ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётини ривож учун пойдевор бўлиб хизмат қилди. Россияда яратилган эркин иқтисодий ҳудудларга Находка, Калининград вилояти, Санкт-Петербург шаҳри ва бошқалар кирди. Қозоғистондаги биринчи эркин иқтисодий ҳудудлар 1991 йилда пайдо бўлган. Булар: Жезқозғон вилоятидаги Жайрен-Атасу, Костанай вилоятдаги Лисаков ва Олмаота шаҳардаги "Отакент" эркин иқтисодий ҳудудларидир⁴.

Молиявий активлар – бу қимматли қоғозлар бўлиб, у чет эл капиталини жалб этиш, чет эл кредитларини олиш ва чет эл капиталини банк депозитларига жалб этиш учун эмиссия қилинади.

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестициясини фаол жалб этиш учун, нафақат ҳудудлар балки, тармоқларда, шунингдек, инвестиция фаолиятининг субъекти ва объектларида ҳам инвестицион жозибадорлик рейтингларини таҳлил этиб, ҳисоблаб чиқиш зарурдир. Бунда, асосан, чет эл инвестициясини иқтисодиёт соҳалари бўйича мутаносиб жалб этишнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва унда тармоқларни, асосан, 3 гуруҳга, яъни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга бўлиб, инвестицияни устувор даражада реал секторга йўналтириб, сўнг қолган соҳаларни ривожлантиришга ҳамда иқтисодиёт ривожланиши ва заруриятидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга ҳам жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

⁴ Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. -2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. - 584 с.

Ривожланган мамлакатлар халқаро капитал ҳаракатини, асосан, капитал экспорти-импорти миллий ва халқаро даражада рағбатлантириш орқали амалга оширадилар. Капиталнинг қарзлар, портфель инвестициялар ва бошқалар шаклида ҳаракат қилиши борасидаги давлат сиёсати унинг ҳаракатидаги барча чеклашларни олиб ташлаш мақсадида олиб борилади. Барча хорижий инвестицияларга нисбатан давлат ҳар қандай чеклашларни амалга ошириш ҳуқуқини ўз зиммасида қолдиради, чунки бу миллий иқтисодий ҳавфсизлик билан боғлиқ. Шуниси ҳарактерлики, капитални четга чиқариш уни жалб қилишга нисбатан кам даражада тартибга солиниб турилади.

Давлат тартибга солишнинг қуйидаги усулларида фойдаланади:

- 1) молиявий: жадаллаштирилган амортизация; солиқ имтиёзлари; субсидиялар, қарзлар бериш; кредитларни суғурталаш ва кафолатлаш;
- 2) номолиявий: ер участкалари ажратиш; зарурий инфраструктура билан таъминлаш; техник ёрдам кўрсатиш.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини

ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмокда. Энг муҳими, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган.

Мамлакатимизда ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солувчи "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонун ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу қонунларни қабул қилиш, уларга замон талабларига мос равишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб боришнинг сабаби битта - қаерда имтиёз, қаерда шароит бўлса, қонуний қафолат бериладиган бўлса, шу ёққа инвестиция келади. Хусусан, 2008 йил 8 апрелда матбуотда эълон қилинган "Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун чет эл инвесторларини жалб қилиш бўйича изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Маълумки, чет эл инвесторлари мамлакатимиз ҳудудида ишлаб чиқариш фаолиятини, қоидага кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш йўли билан амалга оширадилар. Ўз эҳтиёжлари учун юртимиз ҳудудига замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар, уларга бутловчи буюмлар, шунингдек, хомашё ва материаллар олиб кираётган хорижий инвесторлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида муайян имтиёзлар назарда тутилган. Жумладан, "Бож тарифи тўғрисида"ги қонуннинг 33-моддаси ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш еҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка божхона божи солинмас эди. Янги қонун асосида - чет эллик инвесторлар учун янада қулай муҳит яратиш мақсадида - юқорида қайд етилган ҳар икки қонунга ўзгартишлар киритилди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида "Бож тарифи тўғрисида"ги қонуннинг 33-моддасида ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасида белгиланган имтиёзлар устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч

фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарга ҳам татбиқ этиладиган бўлди.

1.3. Инвестицион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини

баҳолаш усуллари

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда «иқтисодий самара» ва «иқтисодий самарадорлик» атамаларига эътибор бериш лозимдир.

Иқтисодий самарадорлик - инвестиция учун қўйилган капиталдан фойдаланилганлиги учун олинган фойда, даромад тушунилса, ижтимоий-иқтисодий самара эса инвестицияни ишлатишдан олинган фойдадан ташқари, кишиларнинг ҳаёти яхшиланиши, табиатни сақлаш, илмий техникавий тараққиётнинг ривожланиши ҳам тушунилади.

Иқтисодий самара - қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси бўлса, иқтисодий самарадорлик эса олинган иқтисодий самара ёки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги муносабатни билдиради.

Иқтисодий самара бу қўйилма ҳисобига олинган даромаддан қўйилган капитал суммаси айирилиб топилади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$\mathcal{E} = D - K \quad (1.)$$

бу ерда:

$\mathcal{E}$ - иқтисодий самара;

D - қўйилган капиталдан даромад;

K - қўйилган капитал суммаси.

Иқтисодий самарадорлик қўйилган инвестициядан олинган фойда, даромадни қўйилган капитал суммасига бўлиш орқали топилади:

$$\mathcal{E}_l = \frac{If}{K} \quad (2.)$$

бу ерда:

$\mathcal{E}_l$ - иқтисодий самарадорлик;

If - инвестициядан фойда;

K - қўйилган капитал.

Мамлакат иқтисодиёти миқёсида инвестициянинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи мамлакатда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдорини мамлакат миқёсида киритилган инвестици миқдорига бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \frac{YMM}{K} \quad (3)$$

бу ерда:

$\mathcal{E}$ - иқтисодий самарадорлик;

YMM -ялпи миллий даромад;

K - YMM ни яратиш учун қўйилган капиталнинг суммаси.

Иқтисодий самара вақт функцияси ҳисобланиб, бошланишида у салбий кўринишда бўлади, чунки қўйилган капиталдан ҳали даромад олинмаган бўлади. Вақт утиши билан капитал кайтими булган сари даромад орта боради ва бу ижобий натижага эришилади, яъни қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капитал миқдоридан орта боради.

Қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капиталга тенглашади. Бу давр инвестицияни қоплаш даври деб аталади. Бу кўрсаткич иқтисоднинг ишлаб чиқариш соҳасига қўйилган капитал қўйилманинг самарадорлигини курсатади. Инвестицияни қоплаш даври кичик бизнес соҳасида 2-3 йил, узоқ муддатли қўйилмалар эса 10-15 йилгача давом этади. Капитал қўйилмаларни қоплаш даврининг нормативлари деган тушунча мавжуд бўлиб, бу иқтисодиёт тармоқларида қўйилган капитал қўйилмаларнинг қоплаш даврининг ўртача миқдори деб тушунилади. Ўрта ҳисобда инвестицияни қоплаш даври қилиб иқтисодиётда 6-8 йил деб қабул қилинган.

Инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси инвестиция нормаси деб аталади. Бу қуйидаги формула асосида ҳисобланади;

$$ЯИН = \frac{ЯИС}{ЯММ} \times 100\% \quad (4.)$$

бу ерда:

ЯИН- ялпи инвестиция нормаси;

ЯИС- ялпи инвестиция суммаси;

ЯММ- ялпи миллий даромад.

Инвестициявий лойиҳанинг (ИЛ) тижорат (молиявий) самарадорлиги— бу, ушбу ИЛ-ни юзага келтирувчи лойиҳани, унинг иштирокчилари мақсадлари ва манфаатларига мувофиқлигини акс эттирувчи категориядир.

Самарадорлик қуйидагича бўлиши мумкин:

- лойиҳанинг умумий самарадорлиги;
- лойиҳадаги иштирок самарадорлиги.

Лойиҳанинг умумий самарадорлиги иштирокчилар учун уларнинг манфаатдорлигини аниқлаш ва молиялаштириш манбаларини излаш мақсадида баҳоланади. Самарадорликнинг ушбу тури қуйидагиларни ўз ичига олади:

- лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги;
- лойиҳанинг тижорат самарадорлиги.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ИЛ амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий натижаларини ҳисобга олади.

Тижорат самарадорлиги кўрсаткичлари эса, ушбу лойиҳани амалга ошираётган иштирокчи учун молиявий натижаларни ҳисобга олади. Бунда ушбу иштирокчи лойиҳани амалга ошириш учун лозим бўлган барча харажатларни кўтариши ва лойиҳа натижаларидан тўла фойдаланиши қўзда тутилади.

Умуман олганда, лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичлари техник, технологик ва ташкилий лойиҳа қарорларини иқтисодий нуқтаи-назардан тавсифлайди.

Лойиҳадаги иштирок самарадорлиги ИЛ-ни амалга оширилиши ва барча иштирокчилар манфаатдорлигини аниқлаш мақсадида аниқланади.

Лойиҳадаги иштирок самарадорлиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхонанинг лойиҳадаги иштироки самарадорлиги (иштирокчи-корхоналар учун ИЛ самарадорлиги);
- корхона акцияларига инвестициялар қўйиш самарадорлиги (иштирокчи-акциядорлик корхоналар акциядорлари учун ИЛ самарадорлиги);
- иқтисодиётнинг айрим тармоқлари, молия-саноат гуруҳлари, уюшмалар ва холдинг тузилмалари учун – тармоқ самарадорлиги;
- ИЛ-нинг бюджет самарадорлиги (барча даражадаги бюджетлар харажат ва даромадлари нуқтаи-назарида, лойиҳада давлат иштироки самарадорлиги).

ИЛ самарадорлигини баҳолаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда умуман лойиҳанинг самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланади. Ушбу босқичнинг мақсади – лойиҳавий қарорларнинг умумлаштирилган тарзда иқтисодий баҳолаш ва инвестор излаш учун зарур бўлган қулай шароитларни яратишдир. Локал лойиҳаларга нисбатан фақатгина уларнинг тижорат самарадорлиги баҳоланади, ва у қулай бўлган тақдирдагина, баҳолашнинг иккинчи босқичига ўтиш тавсия қилинади.

Баҳолашнинг иккинчи босқичи, молиялаштириш схемаси ишлаб чиқилгандан кейингина амалга оширилади. Ушбу босқичда иштирокчилар таркиби, уларнинг ҳар бирини молиявий иштироки ва самарадорлиги аниқланади.⁵

Соф дисконтланган даромад (СДД) ва даромадлиликнинг ички меъёри (ДИМ)ни ҳисоблаш учун инвестициялардан олинadиган даромадни билиш

⁵ Четыркин Е.М. Методы финансовых и коммерческих расчётов. - М.: 1995.

ложим. Бу даромадни топиш учун эса, маҳсулот (хизмат) нарҳини ёки бошқача қилиб айтганда инвестициявий қўйилмалар натижаларининг қиймат баҳосини билиш ложим. Бундан келиб чиққан ҳолда, натижанинг қиймат баҳоси бўлмаган тақдирда, СДД ва ДИМ кўрсаткичлари ёрдамида лойиҳанинг абсолют самарадорлигини аниқлаб бўлмайди, деган хулосага келиш мумкин. Аммо, масала бундай қўйилганда ҳам, СДД ва ДИМ кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин. Гап шундаки, бунда икки хил вариант кўриб чиқилади: биринчи (лойиҳа) ва иккинчи (ноллик муқобил) вариантлар. Бундай ёндашувда даромад объектни эксплуатация қилиш харажатларини тежаш билан алмаштирилади, ноллик вариант бўйича инвестициявий қўйилмалар эса, нолга тенглаштирилади. Ноллик вариант бўйича қўйилмалар ҳақиқатдан ҳам нолга тенг бўлгандагина бундай ёндашув тўғри бўлади. Ноллик вариантдаги масала ечимини кўриб чиқайлик. Таққослама самарадорлик кўрсаткичидан фойдаланамиз:

$$C_T = \frac{T_1 - T_2}{K_2 - K_1} \quad (5.)$$

бу ерда: T_1 ва T_2 – таққосланаётган вариантлар бўйича йиллик маҳсулот таннархи.

$K_1=0$ экан, унда таққослама самарадорлик кўрсаткичи E_c абсолют самарадорлик кўрсаткичига айланади ва уни рентабеллик (R) орқали белгилаш мумкин, яъни:

$$R = \frac{X_1 - T_2}{K_2} \quad (6)$$

Ҳақиқатдан ҳам, $K_1=0$ бўлса биринчи вариант бўйича амортизация ҳам нолга тенг, T_1 эса, X_1 га тенг бўлади ($T_1=X_1$). (X -харажатлар).

Шундай қилиб, (X_1-T_2) йиллик тежашга олиб келаётган K (K_2 , $K_1=0$ да) капитал қўйилмалари амалга оширилмоқда. Капитал қўйилмалар самаралими ёки йўқми деган саволга қуйидаги кўрсаткич ёрдамида жавоб бериш мумкин:

$$X_1 - T_2 > CK \quad \text{ёки} \quad X_1 - T_2 - CK > 0 \quad (7.)$$

Ҳақиқатдан ҳам, агарда рентабеллик катталигини C билан таққосланса,

унда K_2 самарадорлигининг шартини бўлиб $R = \frac{(X_1 - T_2)}{K_2} > E$ хизмат қилади.

Агарда объектнинг хизмат муддати (T) даги жорий харажатлар тежамини ҳисобга олсак, унда лойиҳа самарадорлиги қуйидаги тенгсизлик

билан аниқланади: $\frac{(1+C)^T - 1}{(1+C)^T \cdot C} \cdot (X_1 - X_2) - K > 0$

Объект хизмат кўрсатиш муддатидаги СДД:

$$CDD^T = \frac{(1+C)^T - 1}{(1+C)^T \cdot C} \cdot (X_1 - X_2) - K$$

Капитал қўйилмалар самарадорлигини аниқлаш учун ўртача йиллик соф даромад (аннуитет) дан ҳам фойдаланиш мумкин. Аннуитет йиллик тежам катталигидан кичик бўлмаса, капитал қўйилмалар варианти самарали ҳисобланади.

$$(X_1 - X_2) - K > K \frac{C(1+C)^T}{(1+E)^T - 1} \quad (8.)$$

Лойиҳа самарадорлиги даражасини эса, ДИМ кўрсаткичи ёрдамида аниқлаш мумкин. $CDD^T=0$ даги даромадлилик – бу ДИМдир.

Пул оқими унсурларининг ҳар хил вақтда пайдо бўлиши муносабати билан уларни ўзаро таққослаш муаммоси туғилади. Чунки, ҳар хил вақтда олинган бир хил пул суммаларини тенг қийматли деб бўлмайди. Бизнеснинг “олтин” қондасига мувофиқ: бугунги пуллар эртага олинадиган пуллардан қимматлироқдир.

Молиявий таҳлилларда вақт омилини ҳисобга олишга бўлган турли ёндашувлар қўлланилади. Энг тарқалган услуб бу келажакдаги неъматлардан ҳозиргиси афзаллироқ эканлигининг нисбий даражасини акс эттирувчи ва таққословчи функция услубидир. Амалиётда, кўп ҳолларда ушбу мақсад билан мураккаб фоизлар кўринишидаги функция қўлланилади. Бундай ёндашувда пулларнинг жорий ва келажакдаги қийматлари мураккаб фоиз формуласи билан ўзаро боғланган:

$$S_n = S_0 - (1 + r)^n \quad (9.)$$

бу ерда:

S_n – пул маблағларининг жорий суммаси;

S_0 – n та бир хил вақт оралиқларидан кейинги пул маблағлари суммаси (пулларнинг қўшилган суммаси);

r – бир вақт оралиғидаги даромадлилик ставкаси (фоиз ставкаси).

Бунинг маъноси шундаки, агарда r йиллик даромадлилик ставкасига эга бўлган ишга S_0 сўм пул қўйилса, унда n -йилдан сўнг биз S_n сўм пулга эгалик қилишимиз мумкин бўлади. Ва аксинча, жорий вақтга келтирилган, S_n келажакдаги пул суммасининг реал қиймати, қуйидаги формула бўйича баҳоланади:

$$S_0 = S_n \cdot dm_n \quad (10.)$$

бу ерда:

dm_n – дисконт кўпайтирувчиси;

r – ставкаси бўйича, n даврига тегишли бўлган дисконт кўпайтирувчи қуйидаги тарзда аниқланади:

$$dm_n = 1/(1+r)^n \quad (11.)$$

Демак, келажакдаги даромадларни жорий вақт даврига олиб келиш жараёни дисконтлаш дейилади, яъни, бугунги олинган бир сўм, бир йилдан сўнг олинадиган бир сўмдан янада юқорироқ баҳоланишини акс эттиради. Бунинг сабаби фақатгина инфляция эмас, балки даромадларни кўпайтиришнинг турли имкониятлари мавжудлиги ва улардан воз кечиш келажакдаги муайян пул суммасини йўқотиш билан тенгдир. Дисконт меъёрини танлаш инвестициявий таҳлилнинг мураккаб муаммосидир. Бозор иқтисодиёти шароитларида дисконт меъёри биринчи навбатда корхона пул ресурсларини ишлатиш бўйича алтернатив инвестициявий имкониятларни акс эттириши лозим.

Дисконтлаш операцияси инвестициявий лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда кенг қўлланилади, чунки у вақтнинг турли даврларига тегишли даромад ва харажатларни таққослаш имконини беради.

1-боб бўйича хулоса

Хорижий инвестициялар – бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликларидир. Иқтисодий мазмунига кўра хорижий инвестициялар ссуда капитали (яъни қарз ва кредит), ҳамда тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларга бўлинади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – бу капитални тўғридан-тўғри экспорти бўлиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Бунда корхона асосий компаниянинг хориждаги шахобчасига айланади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, асосан хусусий тадбиркорлик капитали шаклида булади.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, турли хил рискларни, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига, чет эл инвестицияларининг кириб келишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни, кўпроқ, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд, яъни:

- Улуши қўшилиб қатнашиши орқали қўшимча корхоналарни ташкил этиш;

- 100% мол-мулк хорижий инвесторларга тегишли бўлган хорижий корхоналарни ташкил этиш;
- йирик хорижий компания ва фирмаларнинг шуъба корхоналари ва филиалларини ташкил этиш;
- концессия ва лизинг шартномалари тузиш;
- тендерлар эълон қилиш;
- эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш;
- молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда «иқтисодий самара» ва «иқтисодий самарадорлик» атамаларига эътибор бериш лозимдир.

Иқтисодий самарадорлик - инвестиция учун қўйилган капиталдан фойдаланилганлиги учун олинган фойда, даромад тушунилса, ижтимоий-иқтисодий самара эса инвестицияни ишлатишдан олинган фойдадан ташқари, кишиларнинг ҳаёти яхшиланиши, табиатни сақлаш, илмий техникавий тараққиётнинг ривожланиши ҳам тушунилади.

Иқтисодий самара - қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси бўлса, иқтисодий самарадорлик эса олинган иқтисодий самара ёки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги муносабатни билдиради.

II БОБ. САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган шарт-шароитлар

Ўзбекистонда Президентимиз Ислон Каримов раҳбарлигида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган. Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда. Энг муҳими, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган.

Мамлакатимизда инвестиция соҳасида мустаҳкам қонунчилик базаси шакллانган бўлиб, у йилдан-йилга янада такомиллаштирилиб борилмоқда. Хусусан, республикаимизда инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эл инвестицияларининг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” ҳамда 1998 йил 24 декабрдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида” қонунлар мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилашга ва иқтисодиётга инвестиция жойлаштириш ҳажмларини оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4434-сон Фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур ПФ-4434-сонли Фармони билан хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларида кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканликлари белгилаб берилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими қўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу Фармон билан 2012 йилнинг II-чорагидан бошлаб, хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 та йўналишдаги иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарга татбиқ этиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари: тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари инвестициялар ҳажмидан келиб чиқиб, фойда солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш

солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиш кўринишида солиқ имтиёзлари берилган.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий жалб қилинган инвестициялар ҳажми:

300 минг АҚШ долларида 3 млн. АҚШ долларигача бўлганда - 3 йил муддатга;

3 миллиондан 10 млн. АҚШ долларигача бўлганда - 5 йил муддатга;

10 млн. АҚШ долларида ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга солиқ имтиёзларидан фойдаланиши мумкинлиги белгиланган.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодиёт тармоқлари рўйхати:

1. Радиоэлектрон саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.

2. Енгил саноат:

– тайёр ип газлама, жун газлама ва аралашгазмалар, шунингдек трикотаж газлама ишлаб чиқариш;

– тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўқимачилик галантереяси ишлаб чиқариш;

– табиий терилар ишлаб чиқариш, кўн-галантерея саноати, пойабзал саноати.

3. Ипакчилик саноати:

шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.

4. Қурилиш материаллари саноати: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ-3586-сонли Фармони 1а-илоvasида кўрсатилган қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш.

5. Парранда гўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш.

6. Озиқ-овқат саноати: маҳаллий хомашёдан саноат миқёсида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкоголсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно).

7. Гўшт-сут саноати: гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сарийғ, шунингдек ҳайвонларнинг ички органларидан қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

8. Балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда консервалаш.

9. Кимё саноати.

10. Нефть-кимё саноати.

11. Тиббиёт саноати, шунингдек ветеринария учун дори воситаларини ишлаб чиқариш.

12. Қадоклаш материалларини ишлаб чиқариш.

13. Муқобил энергия манбалари негизида электр станциялари қуриш.

14. Кўмир саноати:

- Кўмирни бойитиш;
- Кўмир брикетларини ишлаб чиқариш;
- сланец саноати.

15. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган электроферросплав ва металл буюмларни ишлаб чиқариш.

16. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш:

- машинасозлик;
- трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги;
- қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик;
- енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги.


17. Станоксозлик ва асбобсозлик саноати.

18. Шиша ва чинни-фаянс саноати.

19. Микробиология саноати.

20. Ўйинчоқлар ишлаб чиқариш.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, уларни ўз маблағларини мамлакатимиз иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида имтиёзли молиявий шароитлар яратилган. Улар қуйидаги чизмада ўз ифодасини топган.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида яратилган имтиёзли молиявий шароитлар

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бир маромда фаолият юритиши ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ва тартибга солиниши учун 50 дан зиёд тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида хорижий компаниялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни асосан ниҳоясига етказилди ва амалда қўлланмоқда. Бу фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг қуйидаги тизими ишлаб чиқилган:

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларнинг қатнашиши;
- техникавий қайта қуrollаниш;

- халқ истеъмоли ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестицияларнинг давлат фойдасига мусадара ва реквизиция қилинмаслигига кафолат беради.

Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолияти доирасида ишлаб топган даромадлари хорижий валютада, чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтилиши давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш мақсадида инвесторларга бир қатор имтиёзлар (иқтисодий платформа) берилади.

Хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналар (савдо, воситачилик, хомашё етказиб берувчилардан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан бошлаб:

- даромад (фойда) солиғидан биринчи йилнинг 25 фоизлик қисмидан, иккинчи йил 50 фоизлик қисмидан, учинчи йил 100 фоизлик озод қилинади, қишлоқ ҳудудида эса биринчи йилдан бошлаб бундай солиқдан 100 фоиз озод қилинади;

-мулк солиғидан 2 йилга озод қилинади;

-ишлаб чиқарган маҳсулотининг 30 фоиздан ортиғи экспортга чиқарилса, 50 фоиз даромад солиғидан (фойда солиғи), 15-30 фоизи экспортга чиқарилса, 30 фоиз даромад (фойда) солиғидан озод қилинади;

-ишлаб чиқариш билан банд бўлса, ер солиғидан 2 йилга озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида соҳаларга имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Унга кўра, нефть ва газ конларини очиш ва қидириш ишларига хорижий компанияларни жалб қилган корхоналар ушбу ишларни амалга ошириш даврида барча солиқлардан, шунингдек, зарур ускуналарни импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинади.

Мазкур соҳадаги корхона чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда очилса:

- нефть ва газ қазиб чиқарилган кундан бошлаб 7 йилга даромад (фойда) солиғидан;

- хорижий ҳамкорлар улушига мансуб капиталдан олинадиган даромад ва мулк солиғидан озод қилинади.

Енгил саноат соҳасида:

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча солиқлардан озод қилинади;

- ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш ускуналари, эҳтиёт қисмларни импорт қилишда корхоналар божхона тўловларидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларда янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга қаратилган. Унга кўра, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади.

2.2. Саноат тармоқларида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини белгиловчи омиллар

Бозор иқтисодиётини босқичма-босқич босиб ўтаётган бир шароитда бу жараёни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки инвестиция реал бозор иқтисодиётининг бир бўлаги деб қарашимизга бир қатор асосларимиз бор. Яъни иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида миллий иқтисодиётни модернизациялашуви ва жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кўп жиҳатдан

тўғри ва асосланган инвестиция сиёсатига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз томонидан ҳар йили амалга оширилиб келинаётган ислохотларнинг кун тартибидаги асосий масалалардан бири сифатида хорижий инвестицияларни мамлакат миллий иқтисодиётига жалб қилиш ва уларни самарали тақсимлаш масаласи турмоқда. Зеро Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларни қатъий давом эттириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш - биз учун бош вазифа бўлиб қолади”⁶.


Ҳозирги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш, рақобатбардошликни ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш йўлида умумий қиймати 24 миллиард АҚШ доллариға тенг бўлган лойиҳалар оширилмоқда. Ушбу лойиҳанинг деярли 60% яни 13,5 миллиард АҚШ доллари тўғридан тўғри инвестицияларни жалб қилиш ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилган.

Жаҳон амалиётида инвестициялар самарадорлигини оширишнинг энг устувор йўналиши сифатида тўғридан тўғри инвестицияларга катта аҳамият берилади. Чунки улар хорижий капитал иштирокидаги корхоналар кўринишида давлатнинг ҳудудий тақсимотида иштирок этади. Бу борада самарадорликка эришиш учун молиялаштириш манбаларидаги хорижий инвестицияларнинг улуши $\frac{3}{4}$ қисмини ташкил этиши ҳамда унинг асосий қисмини тўғридан тўғри инвестициялар ташкил этиши лозим бўлади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда

⁶И.А.Каримов «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир».-Т.: Ҳалқ сўзи, 14- Феврал, 2008 йил.

мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Қуйида берилган диаграммада мамлакатимизга жалб қилинган ва жалб қилиниши режалаштирилаётган хорижий инвестициялар, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни йиллар бўйича ўзгариш суръати келтирилган (2-расм). Расмдан кўриниб турибдики, 2011 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3832,4 миллион АҚШ долларни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2010 йилдагидан қарийб 1074.97 миллион АҚШ доллар кўп эканини кузатиш мумкин. 2012 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3277,55 миллион АҚШ долларни ташкил этган бўлса, булардан 2526,56 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир, яъни 79 фоизидан кўпроғи демакдир.




2-расм. 2008-2013 йиллар давлат инвестиция дастурлари доирасида тўғридан-тўғри хорижий сармоялар динамикаси (млн. АҚШ долл.) ⁷

⁷ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2013 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 180 миллион АҚШ долларидан ортиғи ёки 72 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

Халқаро статистикада инвестицияларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар турига киритиш бўйича ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Хорижий инвесторлар томонидан назорат қилиш ҳуқуқини белгиловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акциядорлик капиталининг ҳиссаси кўрсаткичидан фойдаланилади (3-расм).



3-расм. Бир қатор мамлакатларда акциядорлик капиталида хорижий инвесторнинг назорат қилиш ҳуқуқини берадиган ҳиссаси ⁸

Бу кўрсаткич АҚШда 10 фоиз, Франция ва Буюк Британияда 20 фоизга яқин, Германияда 25 фоиздан 50 фоизгача, Ўзбекистонда эса 49 фоиз даражасида белгиланган. Шунингдек, корхона бошқарувида бевосита амалга оширилаётган инвестицияларнинг узок муддатли экани ҳам унинг муҳим белгиларидан биридир. Инвестициянинг бу кўриниши таваккалчиликни,

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.-

инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги учун масъулиятни давлат ва аҳоли зиммасига юкламасдан, балки уларни тадбиркорлик тизимлари ўртасида тақсимлашнинг энг яхши ва синалган усули ҳисобланади.

Бизга маълумки тўғридан тўғри инвестициялар асосан хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш орқали йўналтирилади. Шу сабабдан юртимизда хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш ва инвестицион фаолиятни рағбатлантириш орқали қўшма корхоналарни барпо этиш ҳамда улар фаолиятини ривожлантиришга иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қаралмоқда.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналар сонининг тобора ортиб бориши ва янгилари барпо этилаётгани давлатимизнинг бу соҳага бўлган катта эътибори ва уларга яратиб бераётган қулайликлари натижасидир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

1-жадвал

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар

Жами корхоналар сони шу жумладан:	4667 та
2012 йилда янгидан ташкил этилган корхоналар сони	486 та
Фаолият юритаётган корхоналар сони	4283 та
Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар сони	1600 та
Фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони	384 та


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кўпгина хорижий инвесторлар ўз сармояларини биринчи навбатда иқтисодий ўз ички имкониятлари асосида изчил ва барқарор ривожланаётган мамлакатларга йўналтиради. Давлатимизда эса ривожланишнинг айнан мана шундай йўналиши танланган бўлиб, сўнгги йилларда кириб келаётган хорижий сармояларнинг ортиб бораётганлиги бу борадаги ишларнинг барчаси тўғри йўлга қўйилганлигидан

далолат беради.


Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан биргаликда фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг сони 4283 тани ташкил этмоқда. Шулардан катта қисми Тошкент шаҳрида ташкил этилган.

4-расм



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Мамлакатимизда ташкил этилаётган қўшма корхоналарни салмоқли қисми асосан ёқилги энергетика, кимё, нефт ва газни қайта ишлаш, тўқимачилик ва енгил саноат, машинасозлик, металлургия, телекоммуникация, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари саноатига тўғри келмоқда. Бугунги кунда улар ялпи ички маҳсулотимизнинг сезиларли қисмини ташкил этади. Буни натижасида инвестицияларнинг ўсиш сурати ва уларнинг ЯИМ даги улуши ортиб бормоқда.



5-расм. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар (соҳалар кесимида) ⁹

Чет эл инвестициялари иштирокида қўшма корхоналарни ташкил этилиши натижасида миллий иқтисодиётидаги бир қатор иқтисодий ижтимоий муаммолар ўз ечимини топмоқда. Жумладан :

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги илғор технологиялар билан жиҳозлаш асосида ишлаб чиқариш даражасини ўсиб бораётганлиги;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг сифатини такомиллашиб, уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошиб бораётганлиги;
- аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан бандлигини таъминланиши ҳамда иқтисодий даромадларини кўпайиши;
- экспорт ҳажмини ошириш натижасида валюта тушумларини кўпайиб бораётганлиги;
- энг асосийси эса бюджетга тўлайдиган солиқлар, ижара мажбуриятлари ва бошқа тўловлар ҳисобига бюджет даромадларини оширишга эришилмоқда.

Мамлакатимиз эса йилдан йилга хомашё ва ресурслар экспортини камайтириб, уларни тайёр маҳсулот сифатида жаҳон бозорига олиб чиқиш

⁹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

суратини оширишга ҳаракат қилмоқда.

Хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятига хос бўлган жihatлардан бири уларнинг ташқи иқтисодий фаолият билан фаол шуғулланиб келаётганлигидир. Ушбу корхоналарнинг ташқи савдо айланмаси ўтган давр мобайнида 6,5 баробарга яхшиланган. Шунингдек, улар томонидан рақобатбардош тайёр маҳсулот салмоғининг ўсиб, мамлакатимиз экспорт таркибида улуши ортиб бормоқда. Хусусан бугунги кунда 28.8% хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Бу корхоналарнинг экспорт қилган маҳсулотлари таркиби асосан озиқ-овқат, саноат ва тўқимачилик маҳсулотларидан иборат.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг энг кўп улуши саноат тармоқларига тўғри келади. Сўнгги 10 йил мобайнида машинасозлик соҳасининг ишлаб чиқариш ҳажми бу корхоналарнинг умумий маҳсулотида 31%дан 39%гача ошган. Бунга сабаб мамлакатимизда автомобилсозлик ва унга хизмат қилувчи тармоқлар жадал суръатда ривожланиб бораётганлигидадир. Хусусан охириги ўн йилнинг ўзида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш 7.1 баробар, автобуслар 2.6 баробар ва юк автомобиллари тайёрлаш 12.9 баробарга ошди. Қолаверса бу соҳада янги турларни жорий этиш, уларни экспорт қилиш имкониятини янада кенгайтириш ва бутловчи қисмларни етказиб бериш бўйича ташкил этилаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони ҳамда бу соҳага киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажми тобора ортиб бормоқда. Қолган ўринларда савдо, алоқа, транспорт ва турли фаолиятларни ўз ичига олган қўшма корхоналар бормоқда. Бу ҳолат хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишда диверсификация кузатилиши эҳтимолини беради.

Мамлакатимизга бу тарзда сармоя оқиб келаётганлиги эса хорижий инвесторлар республикаимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги демократик ва бозор ислохотларининг тўғрилиги ва самарадорлигини тан олаётганлигининг тасдиғидир. Гарчи бу ҳолат миллий иқтисодиётимиз

ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига мустаҳкам замин яратаётган бўлсада, бу жараёни янада такомиллаштириш бугунги куннинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда.

2.3. Етакчи саноат тармоқларида тўғридан тўғри хорижий инвестициялар самарадорлиги таҳлили

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига қараб иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар ва силжишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли қарорининг 1-илоvasида жами капитал маблағлар 23679701 миллион сўм этиб режалаштирилган эди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 14,2 фоизга кўп демакдир. Иқтисодиётга йўналтирилган жами капитал қўйилмаларнинг 24,2 фоизи марказлаштирилган инвестицияларни ташкил этган бўлса, қолган 75,8 фоизи марказлашмаган маблағлар, яъни корхоналар маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва аҳоли маблағларидан иборат бўлган. 2012 йилда давлат кафолати остида кириб келган хорижий инвестициялар миқдори 1701901 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий инвестиция миқдори 3792,3 млрд. сўмни (2 миллиард 500 миллион доллар¹⁰) ташкил этган.

¹⁰Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш. - “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 19 январь, № 13 (5687).

**Ўзбекистон Республикасининг 2011-2012 йилдаги Инвестиция
дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий
параметрлари¹¹**


млн. сўм

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2011 йил	2012 йил
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	<u>20721845</u>	<u>23679701</u>
1.	Марказлашган инвестициялар:	4 969 491	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	950 000	1 059 254,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	105 000	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан,	911 834	1 431 777
	- Республика йўл жамғармаси	609800	680 796
	- Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	139930	158 147
	- Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси (2012 йилдан Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси)	162104	545 836
	- Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси		46 997,6
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 353 527	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан:	1 376 130	1 701 901
	қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш (сўм эквивалентида)	171 750	301 564
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	16 025 354	17 938809
2.1.	Корхона маблағлари	7 536 261	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан:	2 069 185	3 524 824
	АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун имтиёзли кредитлари	196 289	222 070
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	3835109	4340656
2.4.	Аҳоли маблағлари	2 584 800	3 237 604

¹¹Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги ПҚ-1455 ҳамда 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1668-сонли қарорлари.

Ушбу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу ҳам бўлса, мамлакатимиздаги иқтисодий барқарорликнинг таъминланганлиги, қўшма корхоналарнинг ривожига йўлида қилинаётган савий-ҳаракатлар, хусусан, уларга яратиб берилаётган солиқ, божхона имтиёзлари, преференциялар, давлат рўйхатидан ўтказиш тизимининг соддалашганлиги (сертификат, гувоҳнома ва лиценциялаш тизими) ҳамда валютани эркин конвертациялаш билан боғлиқ қулайликларни қайд этиш мумкин.

2012 йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар **22067,0** млрд. сўмни ташкил этди. Жами инвестицияларнинг 14690,8 млрд. сўми (6-расм) бевосита ишлаб чиқариш мақсади учун йўналтирилган бўлса, 7376,2 млрд. сўми ноишлаб чиқариш соҳаларига жойлаштирилган.



6-расм. Ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган инвестициялар миқдори, млрд. сўм.

Расмдан кузатиш мумкинки, ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг катта қисми иссиқлик-энергияси, кимё ва нефт-кимё соҳаларига тўғри келган.

Соҳалар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, диверсификациялаш натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида истеъмол талаби ва мамлакатимизнинг истиқболини кўзлаган ҳолда, фаол инвестиция сиёсатини

амалга ошириш орқали инвестицион маблағлар (ички ва ташқи) жалб этилмоқда.

Биргина ўтган 2012 йилда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари томонидан жами 18463,0 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, бунда хорижий компания ва корхоналарнинг ҳиссаси 36,4 фоизни ташкил қилган. Саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни экспорт қилиш натижасида 2661,9 миллион АҚШ доллари ҳажмида валюта тушуми ҳосил қилинган бўлса, бунда хорижий компаниялар улуши мавжуд бўлган корхоналарнинг ҳиссаси 18,8 фоизни ташкил этган. Саноат маҳсулотлари импорти эса 5045,9 миллион долларни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичда хорижий компаниялар сармояси эвазига тузилган қўшма корхоналарнинг улуши 42 фоизни ташкил қилди.

Ушбу ўринда назарий-амалий таҳлилларга навбат берадиган бўлсак, мамлакатда капитал омили асосидаги хорижий ва миллий инвестициялар солиштирилганда, хорижий секторда капиталинтенсивлиги ўта юқори эканлиги намоён бўлмоқда. Яъни, хорижий сектор капитал талаб ишлаб чиқаришни акс эттираётган бўлса, миллий сектор меҳнатталаб ишлаб чиқаришни акс эттирмоқда. Тадқиқотларга кўра хорижий секторда ўртача капиталинтенсивликнинг нисбий даражаси 20,73 бирликка тенг. Миллий секторда эса, ушубу кўрсаткич 0,79 бирликка тенг бўлган. Хорижий секторнинг нисбий капиталинтенсивлик даражаси миллий сектордаги ҳолатдан 26,2 марта ортиқ. Бу ҳол мамлакат иқтисодиётидаги хорижий ва миллий инвестицияларнинг таъсири тадқиқ этилганда хорижий сектор нисбатан самарали эканлигини ифодалайди. Демак, миллий секторда ҳам капиталинтенсивлик даражасини ошириш лозим¹².

Айрим етакчи саноат тармоқларида тўғридан тўғри хорижий инвестициялар самарадорлигини таҳлил қилиб чиқсак.

Енгил саноат. 2012 йилда енгил саноат корхоналар сони 29 тага кўпайиб, жами йўналтирилган капитал қўйилмалар ҳажми 180,9 миллион

¹² Мадрахимов У. Иқтисодий ўсишга омиллар самарадорлигининг таъсири. “Бозор, пул ва кредит”/07 (182), 2012 й.


АҚШ долларини ташкил этган. Енгил саноат тармоғининг ўзида шу йили 5118 та янги иш ўринлари яратилган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш натижасида соҳага 109,5 миллион доллар валюта кириб келган. Бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан 45,2 фоизга кўп демакдир. Яъни, 2011 йилда соҳага тегишли бўлган 28 та корхона ташкил этилиши учун жами 121,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган капитал қўйилмалар сарфланган. Соҳанинг экспорт ҳажми ҳам 75,4 миллион долларни ташкил этган. Бугунги кунда соҳада 2009 йилдан буён ҳисоблаганда жами 101 та корхона ишга туширилган. Соҳани модернизациялаш, техник-технологик жиҳатдан янгилаш, бугунги талабидан келиб чиқиб, замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун соҳага таҳлил қилинаётган йиллар бўйича жами 506,2 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция маблағлари йўналтирилган ва мақсадли ўзлаштирилган (3-жадвал).

3-жадвал

**2009-2012 йилларда ишга туширилган «Ўзбекенгилсаноат» ДАК
корхоналари бўйича маълумот**

Йиллар	Корхоналар сони	Янги иш ўринлари сони	Капитал қўйилмалар ҳажми (млн.долл)	Экспорт салоҳияти (млн.долл)
Жами	101	15423	506,2	351,4
2009 йил	17	3780	127,3	82,4
2010 йил	27	4260	116,0	84,1
2011 йил	28	2265	121,2	75,4
2012 йил	29	5118	180,9	109,5

Манба: Республика ҳудудларида енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий янги корхоналарни ташкил этиши ва мавжудларини модернизация қилишни амалга оширишда туман ҳокимларининг ўрни. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг 2013 йил январь-февраль ойларида бўлиб ўтган семинар учун тайёрланган тақдимот материаллари асосида тузилган.



7-расм. 2012 йилда енгил саноат маҳсулотлари экспортининг таркиби

Маълумотларга кўра, тўқимачилик тармоғида ўтган йили умумий қиймати 194,8 миллион АҚШ доллариға тенг 28 та инвестициявий лойиҳа амалға оширилгани тизимда шунча қўшимча ишлаб чиқариш қувватини пайдо бўлиши ва янги маҳсулотлар тайёрлашнинг ўзлаштирилишига замин яратди. Пойтахтимиздаги “Rieter Uzbekistan” корхонаси фаолияти бунга мисол бўла олади. Айни пайтда бу ерда ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулот - пилталаш машиналари тўқимачилик саноати корхоналарига етказиб берилмоқда ¹³.

Ўзбекистон енгил саноат корхоналари томонидан жаҳон андозаларига мос бўлган товар маҳсулотлари экспорти ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Экспорт таркибига қарайдиган бўлсак, умумий экспорт ҳажмининг 56,1 фоизи ип-калава маҳсулотига, 19 фоизи трикотаж буюмларига, 6,6 фоизи газламаларга тўғри келади. Ташқи иқтисодий ҳаётда ҳам Ўзбекистон фаол иқтисодий сиёсат олиб бораётганлиги, шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларини юмшатиш мақсадида фақатгина хом ашё ресурсларини экспорт қиладиган давлат сифатида эмас, балки тайёр маҳсулотларни четга чиқара оладиган давлат сифатида ўз ўрнига

¹³ Аҳмедов И. Саноат тармоқларига йўналтирилаётган сармоялар иқтисодий барқарорлик ва фаровон турмуш кафолатидир. “Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил 15 февраль, № 32 (5706).

эга бўлиб бормокда. Бугунги кунда пахта хом ашёси (тола) экспорти умумий экспорт ҳажмининг 9 фоизини ташкил этади (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон экспортининг товар таркиби


Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2008 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Экспорт жами (млн. АҚШ долл.)	3267,6	4853,0	11493,3	13044,5	15 027,4	13 150,1
Экспорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):						
Пахта толаси	27,5	19,1	9,3	11,3	9,0	9,6
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	2,9	5,3	5,6	5,1	5,6	5,8
Қора ва рангли металлар	6,6	9,2	7,0	6,8	7,4	8,0
Машина ва ускуналар	3,4	8,4	7,6	5,5	6,7	7,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4	3,8	4,5	9,7	13,2	6,7
Энергия ресурслари	10,3	11,1	24,7	24,8	18,5	37,4
Хизматлар	13,7	12,2	10,4	9,1	11,8	17,6
Бошқалар	30,2	30,5	30,9	27,7	27,8	7,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Енгил саноатни ривожлантириш стратегияси бугунги кунда нафақат тугалланмаган босқичга (ип калава ва хом газлама) йўналтирилган, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилганлигини ҳам кузатиш мумкин.

Муқобил бозорлар топиш мақсадида компания корхоналари Россия, Болтиқ бўйи республикалари, Туркия ҳамда Малайзияда ўтказилган енгил саноат маҳсулотлари ярмаркаларида иштирок этиб, аниқ шартномалар тузилмоқда. Ҳозирда йирик экспортёр корхоналар томонидан 53 дан зиёд дилерлик тузилмалари Европа иттифоқи, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва Осиё давлатларида ташкил этилган.

Енгил саноат соҳасида ташкил этилган қўшма корхоналар географиясига назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда соҳани ривожлантириш борасида энг катта хориж сармоясига эга бўлган (хорижий инвестиция маблағларини киритган) давлатлардан бири Корея Республикаси ҳисобланади. Мазкур давлатнинг улуши 38 фоизни ташкил этади. Кейинги ўринларда эса Туркия, Хитой, Германия, Буюк Британия ва бошқалар туради (8-расм).



8-расм. Хорижий инвесторларнинг (енгил саноат бўйича) Ўзбекистондаги улуши (2008-2012 йиллар)

Соҳани янада ривожлантириш мақсадида 2013 йилда 30 та корхона ишга туширилиши, 76 та ҳудудий инвестицион лойиҳалар амалга оширилиши ва барча туманларда 1160 та тикувчилик цехлари ташкил этилиши кутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1855 сонли “2013 йил Давлат инвестиция Дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Ўзбекенгилсаноат” ДАК томонидан 2013 йилга 18 та лойиҳа бўйича жами 147,7 млн. долларга тенг бўлган инвестициялар ўзлаштириш белгиланган. Бунинг натижасида 2013 йилда 261,7 минг тонна ип-калава, 148,6 миллион м² тайёр ип газлама, 40,6 минг тонна трикотаж мато, 138,8 миллион дона трикотаж маҳсулотлари, 25,5 миллион жуфт пайпоқ маҳсулотлари, 47,3 миллиард сўм тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

Нефть газ саноати. Мамлакат иқтисодиётининг устувор соҳаларидан бири бўлган нефть ва газ тармоғи 20 йилдан буён бўлган муддатда катта ривожланишни ўз бошидан кечирмоқда. 2000-2010 йилларда ёқилғи-энергетика соҳасига жалб этилган тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларнинг умумий қиймати 12 баробарга (2000 йилда 190 млн АҚШ доллари бўлган бўлса, 2010 йилда деярли 2.5 млрд АҚШ долларини ташкил этди) ошди. Шу соҳага жалб этилган инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар Республикада амалга оширилган умумий ҳисобдаги лойиҳаларнинг катта қисмини ташкил этди.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2010 йилда тармоқни ривожлантириш бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1333,3 млрд.сўм инвестиция киритилди ёки 2001 йилга нисбатан 4,9 мартага ўсган¹⁴. Инвестицияларнинг асосий қисми мамлакатнинг газ транспортини яратишга (19%) ва қазиб чиқариш корхоналарини ривожлантиришга (50%) киритилган. Сўнгги йилларда тармоққа киритилаётган тўғридан-тўғри инвестициялар оқими кескин кўпайди. Киритилган инвестициялардан олинган иқтисодий самарадорлик 2010 йилда жами “Ўзбекнефтьгаз” МХК бўйича 0,78 сўм, шу жумладан “Ўзбекнефтьгазқазибчиқариш” АКда 2,92 сўм “Ўзбектрансгаз” АКда 0,10 сўм, “Ўзнефтьмахсулот” АКда эса -1,60 сўмни ташкил этди¹⁵.

2012 йилда “Ўзбекистон Республикасини 2012 йилдаги инвестиция дастури”га кўра мамлакатимиз иқтисодиётига 3,2 млрд.доллар миқдоридagi хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида 144 та инвестицион лойиҳа амалга оширилди. 2,2 млрд. долларга тенг инвестициялар ёқилғи энергетика соҳасига, шундан 1,9 млрд.долларга тенг инвестициялар нефть газ соҳасига йўналтирилган.

2010-2015 йиллар ичида хорижий компаниялар томонидан Ўзбекистонда амалга ошириладиган геологоразведка ишларига 1,9 млрд АҚШ доллари миқдоридa инвестициялар киритилиши режалаштирилган. Киритилаётган хорижий инвестицияларнинг катта қисми “Лукойл”, “Газпром”,

¹⁴ “Ўзбекнефтьгаз” МХК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

¹⁵ “Ўзбекнефтьгаз” МХК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

“ПетроАльянс” (Россия), CNPC International (Хитой), Korea National Oil Corporation (Корея Республикаси) ва Petronas Carigali Overseas (Малайзия) каби компаниялар ҳиссасига тўғри келади. 2010 йилда углеводородлар захирасининг саноат ўсиш улуши 39% ни ташкил этди. 2015 йилда ушбу кўрсаткични 50% гача етказиш кўзда тутилган. Бугунги кунда мамлакатда 47та инвестицион блоклар ажратилган бўлиб, уларнинг 26тасида геологоразведка ишлари ва конларни ишлаб чиқиш учун хорижий компанияларга лицензиялар берилган. Мамлакатда 5 нафар нефт ва газ мавжуд минтақалар – Устюрт, Бухоро – Хива, Сурхандарё, Ғисор ва Фарғона, ҳамда яна икки нафар истикболли минтақалар – Хоразм ва Ўрта Сирдарё мавжуддир. Юқоридаги минтақаларнинг умумий майдонни 208.9 минг квадрат километрни ташкил этади. Республиканинг давлат балансида 228 нефть ва газ конлари мавжуд бўлиб, уларнинг 179 тасида эркин газнинг, 112тасида нефтнинг ва 142тасида конденсатнинг захиралари мавжуд. Газнинг йиллик қазиб олиниш миқдори бўйича Ўзбекистон дунёда 11 ўринни эгаллайди. 2011 йилда “Ўзбекнефтегаз” МХК қидирув – бурғиладан бўйича 21 та тузилмалар тайёрланган. 10 та майдонда чуқур қидирув – разведка бурғиладан ишлари амалга оширилган, 36 та қидирув-разведка кудуқлари бўйича қурилиш ишлари якунланди. 7 та конлар кашф этилди (Шеркент, Сағиртау, Дарахтли, Ойдин, Рубойи, Каратепа ва Дасманага). Хорижий компаниялар томонидан 8 та тузилмалар қидирув – бурғиладанга, 4 та майдонлар чуқур қидирув – разведка бурғиладанга тайёрланди. CNPC Silk Road Group LLC компанияси томонидан Шарқий Олот кони очилди.

Нефть ва газ соҳасида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг кўлами ва жалб этилаётган капитал миқдори ушбу соҳани иқтисодиётнинг энг устувор соҳаларидан бирига айлантирди. 2011-2015 йилларда янги қурилиш, қазиб олиш объектларини модернизациялаш ва реконструкциялаш,

углеводородларни қайта ишлаш ва транспортировка қилиш бўйича 16 та катта инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.¹⁶

Тармоқ бўйича умумий ҳисобда 54 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, ушбу лойиҳалар доирасида маҳсулот ишлаб чиқариш 135,2 млрд сўмдан кўпроқ маблағни ташкил этди (режага нисбатан 105,1%). 2010 йил билан таққослаганда, тармоқнинг ўсиш суръати 149,3% ни ташкил этди. Инвестицияларни ўзлаштириш бўйича ишлар режага нисбатан 101,5% га бажарилди.¹⁷

2012 йилда Сурғил кони базасида ҳатто дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган, қиймати 25 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши бошланди. Ушбу лойиҳа технологик жиҳатдан дунёдаги энг илғор лойиҳалардан бири бўлиб, энг юксак даражадаги газ-кимё технологияларини жорий этишни кўзда тутди. Бу, ўз навбатида, табиий газдан 97 фоизгача этан, пропан ва бошқа қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишни таъминлайди.

Ушбу мажмуа 4,5 миллиард кубметр табиий газни қайта ишлаш натижасида 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради. Йиллик экспорт ҳажми 750 миллион доллардан ошади. Маҳсулотнинг, асосан, Европа, Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё бозорларида сотилиши мўлжалланмоқда. Устюрт газ-кимё мажмуаси 2016 йилдан ишга туширилади.

Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини “Uz-Kor Chemicals” қўшма корхонаси амалга оширади. Мазкур қўшма корхона “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси ҳамда Жанубий Кореянинг “Kogaz”, “Lotte Petrochemicals” ва СТЭкс энерги” компаниялари инвестициявий консорциуми томонидан таъсис этилган.

2012 йилда Жанубий Африканинг “Сосол” компанияси ва Малайзиянинг “Петронас” корпорацияси билан ҳамкорликда қиймати 4 миллиард доллардан

¹⁶ - Журнал “Экономическое обозрение” № 11(133) 2010. “Нефтегазовый сектор: пора выходить на качественно новый уровень” стр. 33.

¹⁷ - <http://news.olan.uz/business/7436.html>

зиёдни ташкил этадиган, тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича катта истикболга эга бўлган йирик лойиҳани амалга ошириш бошланди.

Ушбу лойиҳа асосида барпо этиладиган завод дунёдаги саноқли корхоналардан бири бўлиб, у синтетик суюқ ёқилғи – суюлтирилган газ, авиакеросин ва “премиум класс” тоифасидаги, яъни евро4 стандартидан кам бўлмаган дизел ёқилғиси ишлаб чиқаради¹⁸.

Ушбу ижобий натижалар билан бир қаторда, нефть-газ тармоғига жалб қилинаётган инвестициялардан оқилona фойдаланиш ва янада кўпайтириш, шунингдек, инвестицияларининг иқтисодий самарадорлигини оширишга салбий таъсир қилаётган омиллар ҳам мавжуд бўлмоқда. Улар, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, тармоққа жалб қилинган инвестицияларни қайтариш даврининг узайиб кетиши. Айниқса, жаҳон молиявий – иқтисодий инқироз даврида тармоққа жалб қилинган инвестицияларнинг қайтариш муддати узайиб кетмоқда;

- иккинчидан, тармоқнинг айрим бўғинларига киритилган инвестициялар самарадорлигининг пасайиши;

- учинчидан, нефть-газ саноати маҳсулотлар нархининг кескин тебраниши ҳисобига тармоқнинг инвестицион жозибадорлигини пасайишига олиб келмоқда.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш, нефть-газ тармоғини ривожлантириш ва даромадини оширишни таъминловчи асосий омил бўлиб қолади. Шунингдек, нефть-газ тармоғини инвестиция салоҳиятини яхшилаш, унда илғор инвестиция воситаларидан кенг фойдаланиш, молиявий бозорлар механизмларини такомиллаштириш ва инфратузилмаларни ривожлантириш, қабул қилинган инвестиция дастурларини оқилona амалга ошириш, янги бошқариш технологиялари ва воситаларининг самарали механизмларини шакллантириш имконини беради.

¹⁸ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. - “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 19 январь, № 13 (5687).

Автомобиль саноати. “Ўзавтосаноат” АК бўйича Инвестицион дастур доирасида 2012 йилда бажарилган инвестицион лойиҳалар сони 25 та бўлиб, уларнинг умумий қиймати 425,87 млрд.сўмни ташкил этди (5-жадвал). Бу ишларнинг натижасида жами 2396 янги иш ўринлари яратилди.

5-жадвал

“Ўзавтосаноат” АК бўйича Инвестицион дастур доирасида 2012 йилда бажарилган инвестицион лойиҳалар

“Ўзавтосаноат” АК бўйича амалга оширилган лойиҳалар номи	Қиймати, млрд.сўм
Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва компонентларини ишлаб чиқариш янги комплексини яратиш (Ўбосқич – йиғиш-ишлаб чиқариш)	29,38
Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва компонентларини ишлаб чиқариш янги комплексини яратиш (Ўбосқич – прицепли техника ва устки қуриш ишлаб чиқариш жараёнларини ўзлаштириш)	30,0
“ДжиЭм Узбекистон” ЁАЖ янги моделларига штамповкали деталларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Фарғона ш.	47,77
“ДжиЭм Узбекистон” ЁАЖ автомобилларига ғилдирак дискларни ва шасси қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Андижон ш.	31,14
“Уз Донг Янг Ко” ҚҚда ишлаб чиқариш қувватларини ва инжекцион формовкалаш деталларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш	8,31
“Автоойна” МЧЖда автомобиль ойналарига термоишлов бериш линиясини модернизация қилиш	1,55
“Уз ТонгХонг” МЧЖда “Ласетти” моделига ўриндиқлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш (Ўбосқич)	1,7
“УзДонгЯнг” ҚҚ базасида “ДжиЭм Узбекистон” ЁАЖ янги автомобиль моделларига интерьер деталлари ва инструментал панеллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	2,0
“Жиззах аккумулятор заводи” ОАЖ базасида янги аккумулятор батареялар типини ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш	0,94
“Автоойна” базасида “ДжиЭм Узбекистон” ЁАЖ автомобилларининг янги моделларига ойна ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	0,66
“УзХанву-инжиниринг” базасида автомобилнинг домкратларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	0,64
“УзКорам” МЧЖ базасида “ДжиЭм Узбекистон” ЁАЖ автомобилларининг янги глобал моделлари учун катта габаритли пластмасса деталларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	8,17
“УзКоджи” ҚҚ базасида “ДжиЭм Узбекистон” ЁАЖ автомобилларининг янги моделлари учун жгут ва ўтказгичлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	3,81
“УзХанву” ҚҚ базасида “ДжиЭм Узбекистон” ЁАЖ автомобилларининг янги моделлари учун шовқин синдиргич деталларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	3,4
“УзИраелКейбл” ҚҚда аккумулятор ўтказгичларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	1,17
“ZenithElectronics” МЧЖ ҚҚ (“Узэлтехсаноат” уюшмаси билан ҳамкорликда) печатли платалар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	3,0
“ZenithElectronics” МЧЖ ҚҚ (“Узэлтехсаноат” уюшмаси билан ҳамкорликда) телевизор ва мониторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатурасининг кенгайтириш	3,3

Янги “Нексия” классдаги енгил автомобиль ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Асака ш.	136,12
Кондицион, вентиляция ва иститиш тизимларининг радиаторини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Андижон ш.	23,25
“Нексия” классдаги янги глобал моделнинг бутлаш қисмларини ишлаб чиқариш бўйича фаолият кўрсатаётган маҳаллийлаштирилган корхоналарни модернизациялаш	70,0
“ЎзТонгХонг” ҚҚ базасида “ДжиЭм Узбекистон” ЁАЖ автомобилларининг янги моделларига ўриндиқлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	3,92
Кальцийвий таъмирланмайдиган батареялар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Жиззах ш.	9,48
Технологик ускуналар, штамплар ва қуйма қолиплар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Фарғона ш.	2,02
“ЎзСэмюнг” ҚҚ базасида “ДжиЭм Узбекистон” ЁАЖ автомобилларининг янги моделларига ёнилғи баки ва штампланган қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	2,14
“ЎзДонгЖу” ҚҚа лаборатория жиҳозларини харид қилиш	2,0
Ҳаммаси	425,87

Ушбу лойиҳалар доирасида 2012 йилда автомобиль саноатида Германиянинг дунёга машҳур “МАН” компанияси билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида йилига 3 мингта юк автомобили ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи якунланди. Ушбу корхонада жаҳондаги энг юксак стандартлар асосида жиҳозланган юқори технологик ишлаб чиқариш ташкил этилди. Катта ҳажмдаги юкларни ташийдиган энг замонавий автомобиллар ишлаб чиқарадиган мазкур корхона нафақат мамлакатимиз эҳтиёжини қоплайди, балки бу машиналарни экспорт қилишни ҳам таъминлайди.¹⁹

Амалга оширилган инвестиция лойиҳалари асосида автомобилсозлик соҳасини модернизациялаштириш ва техник қайта жиҳозлаш, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари қаторини ошириш давом эттирилмоқда.

Модернизациялаштириш лойиҳаларини татбиқ этиб, фаолият юритаётган маҳаллийлаштириш корхоналари қувватларини ошириш билан миллий автосаноатимиз ҳам мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини, истисодиёт устивор йўналишларининг юксалишини, аҳоли турмуш

¹⁹ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

шароитларининг сифати ўсишини таъминаш вазифаларни бажарилишига ўз хиссасини қўшади. Ҳозирги вақтда қатор қўшма корхоналар импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналган. Мисол учун автомобил ўриндиқлари тайёрланадиган «ЎзТонгХонг» қўшма корхонасида ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш режасига кўра 2009-йилда қувватни 270 мингтагача автокомпонентлар ишлаб чиқаришга ошириш лойиҳаси амалга оширилди. «ЎзКорам» қўшма корхонаси ҳам худди шундай вазифани ўз олдига қўйиб, бу ерда бамперлар ва асбоблар панеллари ишлаб чиқарилишини лойиҳа қувватигача етказишга эришилди.

2011 йилда GM корпорацияси билан ҳамкорликда янги қўшма корхона - GM Powertrain Uzbekistan ишга туширилди. Бу қўшма корхонанинг асосий маҳсулоти—1.0, 1.2, 1.4 и 1.5 литр ҳажмли двигателлар ҳисобланади. Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати — йилига 360 минг дона двигателни ташкил этади. “GM Powertrain Uzbekistan” маҳсулотлари ички бозорда ҳамда ташқи бозорда сотишга мўлжалланган. 2012 йилда GM Powertrain - Uzbekistan қўшма корхонасида дастлабки 32 минг дона двигателлар ишлаб чиқарилган (6-жадвал).

6-жадвал

“Ўзавтосаноат” АК заводларида ишлаб чиқариш динамикаси

Заводлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил
«GMUzbekistan» ҚК	217000	222000	236000
МЧЖ «JV MAN AutoUzbekistan»	414	534	1018
МЧЖ «СамАвто»	1948	2019	2381
«GM Power train - Uzbekistan» ҚК	-	-	32000

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

«ЎзДонгЯнг» корхонасида янги технологиялар ва маҳсулотларни ўзлаштириш давом этмоқда, бу ерда шу йилнинг ўзида ишлаб чиқариш лойиҳа қувватига эришиш режалаштирилмоқда. Режа бўйича бу ерда ҳам

автомобиллар ички жиҳозланиши 270 минг деталларини йиғиш мўлжалланмоқда. «ЎзКоджи» қўшма корхонаси ҳам шу қаторда, бу ерда автомобил электржгутлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш давом этмоқда.

2-боб бўйича хулоса

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда инвестиция соҳасида мустаҳкам қонунчилик базаси шаклланган бўлиб, у йилдан-йилга янада такомиллаштирилиб борилмоқда. Хусусан, республикаимизда инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эл инвестицияларининг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” ҳамда 1998 йил 24 декабрдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида” қонунлар мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилашга ва иқтисодиётга инвестиция жойлаштириш ҳажмларини оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш, рақобатбардошликни ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш йўлида умумий қиймати 24 миллиард АҚШ доллариға тенг бўлган лойиҳалар оширилмоқда. Ушбу лойиҳанинг деярли 60% яни 13,5 миллиард АҚШ доллари тўғридан тўғри инвестицияларни жалб қилиш ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилган.

Жаҳон амалиётида инвестициялар самарадорлигини оширишнинг энг устувор йўналиши сифатида тўғридан тўғри инвестицияларга катта аҳамият берилади. Чунки улар хорижий капитал иштирокидаги корхоналар

кўринишида давлатнинг ҳудудий тақсимоотида иштирок этади. Бу борада самарадорликка эришиш учун молиялаштириш манбаларидаги хорижий инвестицияларнинг улуши $\frac{3}{4}$ қисмини ташкил этиши ҳамда унинг асосий қисмини тўғридан тўғри инвестициялар ташкил этиши лозим бўлади.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига қараб иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар ва силжишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Биргина ўтган 2012 йилда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари томонидан жами 18463,0 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, бунда хорижий компания ва корхоналарнинг ҳиссаси 36,4 фоизни ташкил қилган. Саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни экспорт қилиш натижасида 2661,9 миллион АҚШ доллари ҳажмида валюта тушуми ҳосил қилинган бўлса, бунда хорижий компаниялар улуши мавжуд бўлган корхоналарнинг ҳиссаси 18,8 фоизни ташкил этган. Саноат маҳсулотлари импорти эса 5045,9 миллион долларни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичда хорижий компаниялар сармояси эвазига тузилган қўшма корхоналарнинг улуши 42 фоизни ташкил қилди.

III БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш

муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари

Ўтказилган таҳлиллар кўрсатишича, мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда айрим камчиликлар мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

- хорижий инвестицияларни жалб этилишида ҳудудлар ўртасидаги номуносивликлар;
- ташаббускорларининг етарли даражада билимга эга эмаслиги, иқтисодий таҳлилларни йўқлиги;
- замонавий маълумот базаси - интернет ва иқтисодий журналлардан унумли фойдаланмаслиги;
- маҳаллий идора вакиллари музокаралар ўтказиш кўникмаларига эга эмаслиги;
- хорижий сармояли корхоналарни зарурий инфратузилма билан таъминлашга юзаки қараш ҳоллари;
- имтиёзли хорижий кредит линиялари тўғрисидаги маълумотномаларни тадбиркорларга етказишдаги сусткашликлар;
- салоҳиятли маҳаллий инвесторларни аниқлаш ишларини сустлиги;

Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳудудий таркибида нотекислик сақланиб қолмоқда. Инвестицияларни тақсимлашда қулай жойлашувга эга, инфратузилмаси ривожланган индустриал минтакалар – Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Навоий вилояти ҳамда устувор, стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар молиялаштирилаётган Қашқадарё вилояти ҳиссаси юқори бўлгани ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган Сирдарё, Хоразм, Жиззах вилоятларининг улуши оз ҳисобланади.

Тахлиллар кўрсатишича, республика ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб қилишда қатор муаммолар мавжуд:

- мамлакатимизда инвесторлар учун яратилган шарт – шароитлар, имтиёз ва афзалликлардан фойдаланиш борасидаги муаммолар;
- инвесторларга ер ажратиш билан боғлиқ бўлаётган муаммолар;
- жойларда мавжуд инфратузилмадан фойдаланиш борасидаги муаммолар;
- маҳаллий ҳокимликлар томонидан алоҳида олинган масалаларни ечишга оид қарорларни қабул қилишда тезкорликнинг етишмаслиги ва ҳоказо.

Юқоридаги муаммоларнинг икки асосий сабаблари мавжуд: биринчиси, молия – банк тизими, солиқ ва божхона ташкилотлари томонидан инвесторлар учун ўта расмийчиликни, асоссиз талабларни кучайтирилиб юборилганлиги; иккинчиси, инвесторларни ўзларига яратилган имтиёзларни тўла англай олмаслиги оқибатида юзага келаётган муаммолардир.

Бу борада инвесторлар учун яратилган шарт – шароитлардан ўз вақтида хабардор қилиш ишларини такомиллаштириш зарур. Бу ерда оммавий ахборот воситалари ролини янада ошириш, янгиликлар билан инвесторларни ўз вақтида таништириб бориш, тадбиркорликнинг барча субъектлари қошида «Янгиликлар доскаси»ни ташкил этиш орқали маълумотларни етказиш каналларини янада кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу ерда, бош ечим инвесторларни интилувчанлиги, таваккалчилиги ва ташаббускорлигини ошириш ҳисобланади. Зарур ҳолда, ҳуқуқий савиясини янада юксалтириш ҳам ўзининг ижобий самарасини беради.

Инвесторларга ер ажратиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ҳокимлик тасарруфидаги захира ерлардан биринчи навбатда фойдаланиш, ҳамда уч томонлама шартнома асосида муаммони ҳал этиш мумкин. Ижара усулларида фойдаланишда «Инвестор – Ҳокимлик – Ижарачи» тамойилига асосланиш зарур. Бунда ҳокимликлар воситачи(кафолатловчи) вазифасини бажариши шарт.

Яна бир мухим муаммо юқорида айтиб ўтилганидек, инфратузилма ташкилотлари билан инвесторлар орасидаги юзага келаётган келишмовчиликлардир. Бу муаммони ҳал этишда шартнома бош ролни ўйнамоғи лозим. Тўғри, ҳозирда ҳам улар орасида олдиндан шартномалар тузилади, лекин уларда инвесторларнинг талаблари тўла эътиборга олинмаслик ҳолатлари кўп учраб туради. Шу боисдан ҳам инвестор талабларини инобатга олишни устивор вазифа сифатида қараш керак. Чунки бугунги инвестор эртага мижоз (клиент) ҳисобланади. Улар билан тўғри муносабатда бўлиш келажакда ўзининг самарали натижасини беради.

Бугунги кескин суръатлар билан ривожланиб бораётган рақобат шароити ҳар икки томондан ҳам қарор қабул қилишда тезкорликни тақозо этади. Бу ерда ҳафтанинг алоҳида бир кунини «Инвесторлар куни» деб эълон қилиниши ва бунда, албатта, тегишли ҳокимият органлари вакилларининг иштирокини таъминлаш зарур. Бу масалани ўз ўрнида ечилишига олиб келибгина қолмай, балки тезкорликни ҳам таъминлайди.

Юқорида зикр этиб ўтган фикрларимиз инвесторлар учун яратилган шарт – шароитлар, имтиёз ва қулайликларни янада яхшилабгина қолмай, балки алоҳида олинган ҳудудларнинг ижтимоий – иқтисодий имкониятларини янада ортишига, ялпи ҳудудий маҳсулотларнинг кўпайишига ва охириги натижада Юртбошимиз таъкидлаганидек аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестицион муҳит асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бу борада мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган қуйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим: тез-тез ўзгариб турадиган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, солиқ тизими; инвестиция ва кредитларга оид таваккалчиликнинг юқори даражадалиги; инвестицияларни муҳофаза қилиш, маҳсулотларни ажратиш механизмининг барқарорлик даражаси; банк тизимидаги айрим нуқсонларнинг мавжудлиги (ички бозорларда пул ресурсларининг танқислиги, улар тузилмаси муддатининг қисқалиги, тўлов ва ҳисоб-

китобларнинг йўлга қўйилмаганлиги, банк ходимларининг инвестиция ва кредитларга оид таваккалчилигини баҳолаш тажрибасининг етишмаслиги кабилар.); инфратузилма даражасининг пастлиги (аудит, сугурта, консалтинг, баҳолаш, ҳуқуқий мадад, телекоммуникациялар, транспорт ва меҳмонхона хизмати); фонд бозорининг суств ривожланганлиги, депозит хизматининг номукамаллиги, бозорга тегишли маълумотларнинг етишмаслиги, фонд қимматли буюмларининг паст ликвидлилиги; корхоналарда менежментнинг йўлга қўйилмаганлиги; эришилган битимларнинг бажармасликка йўл қўйилиши, инвестиция лойиҳаларини келишиш амалиётининг мураккаблиги, ҳисобга олиш тизимининг бухгалтерия ва молия ҳисоби ва ҳисоботи стандартларининг халқаро тизимига мувофиқ эмаслиги ва ҳ.к.

Айни вақтда шуни тан олиш керакки, республикада иқтисодиётимизга инвестиция киритиш салоҳиятига эга бўлган чет эллик инвесторлар билан талаб даражасида иш олиб борилмаяпти. Авваламбор улар Ўзбекистондаги сармоя ётқизиш учун мавжуд бўлган катта имкониятлар, шунингдек инвесторлар учун яратилган ҳар томонлама кенг, қулай шарт-шароит ва кафолатлар бўйича зарур, керакли информация ва маълумотларга эга бўла олаяпти. Шу маънода Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузурида янги ташкил этилган хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва қўмаклашиш агентлиги - “Ўзинфоинвест”дан умидимиз катта. Мазкур агентлик хорижий ишбилармон доираларини республикадаги мавжуд инвестиция муҳити ҳақида атрофлича ахборот билан таъминлаб қолмасдан, уларга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида ҳам ҳар томонлама қўмаклашади.

Республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурлиги ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги, уларнинг қайта тиклашга ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга ёки умуман, янгилашга оид бўлиб қолганлиги; саноат тармоғида моддий техника базасининг ўта пастлиги ва кўпгина зарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг мавжудлиги; республика миллий даромадида жамғариш

билан истеъмор ўртасидаги нисбатнинг истеъмор томонга кўплаб сарфланаётгани ва жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида камайиб бораётганлиги; Ўзбекистоннинг табиий ресурсларга бойлиги ва бу ерда кўплаб қайта ишловчи корхоналарни куриш имкониятининг мавжудлиги; аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги ва кичик замонавий ихчам корхоналарни барпо этиш, уларни меҳнат ресурсларининг манбаи бўлиш қишлоққа яқинлаштириш зарурлиги; республика экспортида хом ашё салмоғини камайтириш ва кўплаб тайёр маҳсулотлар чиқариш имкониятига эга бўлишлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистонда инвестицияларнинг иқтисодиёт юксалишидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, белгиланган вазифаларининг амалга оширилишини таъминлашда чет эл инвестицияларининг алоҳида ўрин тутишини инобатга олган ҳолда уларни барча шакллари бўйича жалб этиш чора-тадбирларининг бажарилиш сифатини ошириш зарур.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг барча шакллари фаол жалб қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар кўйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг ҳудудий ва тармоқ тизимини такомиллаштириш нуқтаи назардан инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестицион муҳитни яратиш;

- гуруҳланган омиллар натижасида, нафақат, ҳудудларнинг балки барча микробосқичларда чет эл инвестициясини жалб этиш бўйича рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олиш;

- чет эл инвестициясини жалб этувчи ҳамда шу асосда товар экспорт қилишни кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёزلарни кенгайтириш;

- инвестиция лойиҳаларини иқтисодиётнинг макро ва микро даражасидаги эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқиш асосида халқаро молия институтларининг республикада очган кредит линияларидан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаш;

- чет эл инвестицияларини тез қарор қабул қилишлари учун ҳисоб ва ҳисобот тизими самарадорлигини ошириш каби қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур.


Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб этилишига ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

3.2. 2013 йилда иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг устувор йўналишлари

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси 2013 йилда умумий қиймати 3,085 млрд. доллар бўлган 115 та лойиҳани амалга оширишни режалаштирган.


9-расм



Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятдан самарали фойдаланишга,

амалдаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бойликларни самарали жойлаштириш ва шу йўл билан республика иқтисодиётини юксалтириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Мамлакатимизда 2013 йил учун амалга ошириш белгилаб олинган инвестиция дастурида молиялаштиришнинг сезиларли қисми корхона маблағлари (30 фоиз) ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш (17 фоиз) орқали амалга оширилиши режалаштирилган (10-расм).



10-расм. Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурининг 2013 йил учун белгиланган асосий кўрсаткичлари (миллиард сўм) ²⁰

Бу борада 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадлар учун ажратилаётган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

маблағлар, қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади.

7-жадвал

2013 йил давомида жалб қилиниши режалаштирилаётган хорижий инвестиция ва кредитлар (миллион АҚШ долл.)

Кўрсаткичлар	2013 йил
Жалб қилиниши кўзда тутилган хорижий инвестициялар умумий миқдори:	3016,7
Давлат инвестиция дастури доирасида	3233,8
Худудий инвестиция дастурлари доирасида	490,0
шу жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар	2180,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

2013 йилнинг инвестиция дастури прогноз кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, жами капитал қўйилмалар 27 123275 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан 15 фоизга кўп демакдир. Режа бўйича марказлашган инвестициялар умумий капитал қўйилмаларнинг 24,7 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 75,3 фоизни ташкил қилиши белгилаб қўйилган. Бу йилги инвестицион дастурда молиялаштиришнинг яна бир манбаси бўлмиш Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини ривожлантириш жамғармаси²¹ ҳисобидан 113435 миллион сўм маблағ иқтисодиётимизга йўналтирилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитининг барқарорлиги ва инвестицион жозибадорликнинг тўғри йўлга қўйилгани ҳам хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун замин бўлмоқда. 2013 йилда сўм қийматида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ажратилиши 4 563159 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 сентябрдаги Ф-3501 сонли фармойишига биноан ишлаб чиқилган “2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассис тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш Дастури”га мувофиқ ташкил этилган жамғарма хусусида гап бормоқда.

**Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилдаги инвестиция дастурида
кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари**

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2013 йил прогнози, миллион сўм
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	27 123 275
1.	Марказлашган инвестициялар:	6 691 366
1.1.	Бюджет маблағлари	1 300 000
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	131 000
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан: - Республика йўл жамғармаси - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси - Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш ташкилотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси - Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	1 876 750 921 572 218 243 623 500* 113 435*
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 632 833
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: <i>Қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш (сўм эквивалентида)</i>	1 750 783 250 560**
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	20 431 910
2.1.	Корхона маблағлари	8 150 655
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: <i>АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш учун имтиёзли кредитлари</i>	3 236 108 426 300
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	4 563 159
2.4.	Аҳоли маблағлари	4 481 988

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1855-сонли Қарори.

Инвестицион жозибаторлик объект сифатида муайян бир миқёсда, яъни биронта лойиҳа, корхона, минтақа, тармоқ ҳамда мамлакат даражасида кўрилиши мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур тизимда корхона асосий таянч нукта ҳисобланиб, ҳар бир инвестиция лойиҳаси муайян бир корхона миқёсида амалга оширилади, ушбу корхона эса иқтисодий фаолият туридан келиб чиқиб, муайян тармоққа (соҳага) тегишли бўлади. Шунингдек, у маълум бир минтақада жойлашгани сабабли минтақавий инвестиция жозибаторликни акс эттирса, барча минтақалар бирлаштирилганда мазкур кўрсаткич мамлакат даражасида акс эттирилади ²².

Сўнгги йилларда инвестициялар таркиби, хусусан, бюджетдан ажратиладиган инвестициялар ва банк кредитларнинг салмоғи кескин ўзгарди. Айни пайтда инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди (9-жадвал).

9-жадвал

2005-2013 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши (фоизда)

Молиялашти риш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1	4,5	4,8
Чет эл инвестициялар и	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3	25,5	23,2
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0	42,6	46,6
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6	27,4	25,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2005 йилдаги 12,7 фоиздан

²² Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибаторликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 2-сон, 122 б.

2013 йилда 4,8 фоизга кадар пасайиш режалаштирилган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча, 19,2 фоиздан 23,2 фоизга кадар кўтарилиши режалаштирилган.

3.3. Етакчи саноат тармоқларида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш истикболлари

Бизга маълумки, Ўзбекистон 2009-2014 йилларда умумий қиймати 55,4 млрд. доллар бўлган 300дан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни режалаштирган.

2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастурини тўлиқ амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 42,5 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Хусусан нефт-газ тармоғига 21536 млн. доллар, тоғ-кон ва металлургия саноатига 1876 млн. доллар, машинасозлик саноатига 1176 млн. доллар, энергетикага 4517 млн. доллар, қурилиш молларини ишлаб чиқариш саноатига 983 млн. доллар, кимё саноатига 3078 млн. доллар, транспорт ва инфратузилма саноатига 5787 млн. доллар, енгил саноатга 870 млн. доллар, “Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси”га 596 млн. доллар ва бошқаларга 2101 млн. доллар йўналтирилади. Ушбу маблағларнинг тахминан 50% чет эл инвестициялари, 30% Ўзбекистон корхоналари ва компанияларининг хусусий маблағлари, 20% - Ўзбекистон тижорат банкларини қайта қуриш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларига тўғри келади (11-расм).

2013 йилда умумий қиймати 1,222 млрд. доллар бўлган 73 та янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш ва ишлаб турган қувватларни модернизация қилиш бўйича қиймати 1,863 млрд. доллар бўлган 42 та лойиҳани амалга ошириш кўзланган.



**11-расм. 2009-2014 йилларда инвестиция лойиҳаларини амалга
ошириш**

“Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси 2013 йилда жами қиймати 440,5 млн. долларлик 6та объектни ишга тушириш режалаштирган. Хусусан, Бухоро вилоятидаги “Газли” қонида компрессор станцияси қурилиши тугалланади, Тошкент вилоятида базавий мойлар ишлаб чиқариш ташкил этилади ва Навоий шаҳрида иситиш ускуналарини ишлаб чиқариш бошланади.

“Ўзбекэнерго” ДАК умумий қиймати 215,3 млн. доллар бўлган 18та объект эксплуатацияга топширилади.

“Ўзкимёсаноат” ДАК қиймати 254,8 млн. долларлик Дехқонобод калийли ўғитлар заводини иккинчи навбатдаги қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Бу лойиҳа завод қувватини 3 баробарга ошириб, йилига 600 минг тонна калийли ўғит ишлаб чиқариш имконини беради ва бу маҳсулотнинг 350 минг тоннадан кўпроғи экспорт қилинади.

2013 йилнинг охиригача “Ўзбекенгилсаноат” ДАКда умумий нархи 194,8 миллион долларга тенг бўлган 28 та инвестиция лойиҳасини эксплуатацияга топшириш режалаштирилган. Бу лойиҳаларни

муваффақиятли амалга ошириш 3,7 мингдан ортиқ иш ўринларини ташкил этилишни таъминлайди.

Ўзбекистонда 2010 йилнинг декабрида, 2010 – 2015 йиллар учун, енгил саноатни ривожлантириш дастури тасдиқланди. У 55 та лойиҳадан иборат бўлиб, мамлакатнинг турли ҳудудларида вертикал интеграллашган тўқимачилик мажмуаларини ҳам қамраб олган. Инвестицияларнинг жами нарҳи 3,8 миллион доллар. Чет эл инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилишда мамлакат раҳбарияти томонидан юзага келтираётган қулай шароитлар тўқимачилик саноатига ҳам ижобий натижалар бермоқда. Инвестицияларнинг тенг ярми (1,9 млрд.) Сингапур, Корея, Россия, Туркия, Япония, Швейцария каби хорижий мамлакатларнинг компанияларига тегишли. Ҳозирги кунларда Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотлари МДХга, жумладан, биринчи навбатда, Россия Федерациясига, Туркия, Кореяга экспорт қилинмоқда.

Булар – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан барпо этиладиган истиқболли объектларнинг бир қисмини ташкил этади, холос.

2013 йил ва яқин истиқболдаги прогноз кўрсаткичлари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик саноатида ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари кескин ўсиб бормоқда. Хусусан, автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари 2012 йилдаёқ ошиб кетганини кўриш мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, яқин ва узоқ истиқболда инновация сифими юқори ва юқори технологик саноат маҳсулотларини (енгил ва юк автомобиллари, музлаткичлар, телевизорлар, энергия тежовчи чироқлар ва бошқалар) ишлаб чиқариш кескин ўсиб боради (9-жадвал).

Шу билан бир қаторда, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ижобий тенденциясини кимё саноатида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, тармоқда олиб борилаётган модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ислоҳотлари натижасида келажакда калийли ўғитлар ишлаб чиқаришни 4 маротабага ошиш имконияти яратилмоқда.

Асосий турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози

№	Саноат маҳсулотлари турлари	Ўлчов бирлиги	2012	2013 (прогноз)	2014 (прогноз)	2015 (прогноз)
1	Енгил автомобиллар	минг дона	235,5	245,0	250,0	260,0
2	Автобус ва юк автомобиллари	минг дона	3,7	3,0	3,1	3,2
3	Кучли ток кабеллари	минг км	13,6	13,5	14,0	14,5
4	Музлаткичлар	минг дона	17,8	90,0	95,0	110,0
5	Телевизорлар	минг дона	26,7	105,0	109,0	112,5
6	Энергия тежовчи чироқлар	минг дона	2007,6	28400,0	28700,0	28870,0
7	Калий ўғитлари	минг тонна	125,3	200,0	300,0	450,0
8	Калцийланган сода	минг тонна	92,0	100,0	100,0	100,0
9	Қурилиш ойнаси	минг кв.м.	13051,4	12140,0	12530,0	13000,0
10	Керамик плиталар	минг кв.м.	4350,0	3800,0	4500,0	5800,0
11	Пахтадан ип-калава	минг тонна	140,6	345,6	435,2	524,0
12	Тайёр газмоллар	млн.кв.м.	56,4	241,4	268,2	304,0
13	Трикотаж буюмлар	млн.дона	64,6	132,7	162,3	241,3
14	Пайпоқлар	млн.жуфт	3,2	30,2	42,1	48,0

Изоҳ: Прогноз кўрсаткичлари “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Дастур параметрларидан олинган.

Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимиз енгил саноати салоҳиятидан оқилона фойдаланиш натижасида ушбу соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиши кузатилмоқда ва бу тенденция истиқболда янада ўсиб боради.

Яқин ва узоқ истиқболда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиб боришига иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва

кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш борасидаги ислохотлар замин яратади.

Хусусан, Президентимиз томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, “2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор. Бу борада 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади”²³.

Дарҳақиқат, мазкур дастурнинг мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларининг барақарор ўсишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Унинг биргина янги корхоналарни ташкил этиш, фаолият юритаётганларни инновацион техник ва технологик жиҳатдан модернизация ва реконструкция қилиш бўйича йирик лойиҳалар йўналишининг қамрови, шунингдек ушбу лойиҳалар доирасида ишлаб чиқаришнинг диверсификациялашув даражасининг ошиб бориши фикримизга яққол далил бўла олади. Хусусан, биргина 2013 йилнинг ўзида 115 та объект ва ишлаб чиқариш қувватлари топширилади ва унда 8754 ишчи ўрин яратилади (10-жадвал).

Ушбу лойиҳалар асосан нефть-газ, кимё, машинасозлик, тўқимачилик ва фармацевтика тармоқларига тегишли бўлиб, унда янги корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, кенгайтириш, модернизация ва реконструкция қилиш асосида рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳаллий ҳамда сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва унда

²³ Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2013 йил 21 январь.

истеъмол товарларини тайёрлаш, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган.

10 -жадвал

2013 йилда фойдаланишга топшириладиган янги объект ҳамда модернизация ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари

№	Тармоқлар ва соҳалар	Фойдаланишга топшириладиган объект ва ишлаб чиқариш қувватлари сони	Яратиладиган ишчи ўрин, киши
1	Нефть-газ саноати	6	244
2	Энергетика саноати	9	40
3	Тоғ-металлургия саноати	10	446
4	Кимё саноати	3	944
5	Металл ва металлни қайта ишлаш саноати	4	114
6	Кўмир ишлаб чиқариш саноати	2	180
7	Автомобилсозлик саноати	13	283
8	Электротехника саноати	6	279
9	Қурилиш материаллари саноати	10	1356
10	Енгил саноат	9	2210
11	Чарм пойабзал саноати	2	98
12	Озиқ-овқат саноати	15	705
13	Фармацевтика саноати	14	860
14	Транспорт соҳаси	6	92
15	Бошқа соҳалар	6	698
	Жами	115	8549

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

**2012 йилда ишга туширилган 2013 йилда амалга оширилиши
кутилаётган йирик лойиҳалар**

№	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати	Умумий қиймати (млн. долл.)
2012 йилда яқунланган йирик лойиҳалар			
“Ўзбекнефтегаз” МХК			
1	"Шуртаннефтегаз» негизида пропан-бутан аралашмаси қурилмасини барпо этиш (5 навбати)	50,0 минг тонна	74,2
“Ўзбекэнерго” ДАК			
2	Навоий ИЭС негизида буғ-газ қурилмасини барпо этиш	478 МВт	529,78
“Ўзкимёсаноат” ДАК			
3	Навоий вилоятида техник кремний ишлаб чиқариш ниташкил қилиш (1 босқич)	12,0 минг тонна	19,04
“Ўзавтосаноат” АК			
4	Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва компонентларини ишлаб чиқарувчи янги комплексини барпо этиш (II босқич)	3,0 минг дона	29,38
2013 йилда яқунланиши мўлжалланган йирик лойиҳалар			
“Ўзбекнефтегаз” МХК			
1	Мавжуд ДКС -1,2,3,4 ўрнига Газли сиқувчи компрессор станциясини барпо этиш	16 дан 25 МВтгача ошириш	261,13
“Ўзбекэнерго” ДАК			
2	«Тошкент ИЭС» ОАЖ негизида когенерацион буғ-газ технологиясини жорий этиш	27 МВт	62,99
“Ўзкимёсаноат” ДАК			
3	Дехқонобод калий ўғит заводини ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш (2 босқич)	200,0 минг тоннадан 600,0 минг тоннагача ошириш	254,8
“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК			
4	Жиззах-Янгийер икки йўналишли электрификация қилинган темир йўл линиясини барпо этиш (1 босқич)	187 км	320,74

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

Юқорида келтирилган лойиҳалар билан бир каторда бугунги кунда мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоқларида янги объектларни қуриш ва модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳалар давом эттирилмоқда. Улар қуйидагилардан иборат:

- Устюрт газ-кимё мажмуаси ва уни ташқи энергия таъминотини ташкил этиш билан боғлиқ лойиҳалар;

- “Шўртан газ кимё мажмуаси”да тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш (синтетик суюқ ёқилғи – суюлтирилган газ, авиакеросин ва “премиум класс” тоифасидаги, яъни евро-4 стандартидан кам бўлмаган дизель ёқилғиси) бўйича лойиҳалар;

- “Таллимаржон иссиқлик электр станцияси”да умумий қуввати 900 мегавольт бўлган иккита буғ-газ қурилмаси, Тошкент иссиқлик электр станциясида қуввати 370 мегавольтни ташкил этадиган буғ-газ қурилмасини, “Ангрен иссиқлик электр станцияси”да қуввати 130-150 мегавольтдан иборат энергоблокни, Фарғона водийсида янги энергетика қувватларини барпо этиш, Сирдарё ва Янги Ангрен иссиқлик электр станцияларини бир-бири билан боғлайдиган юқори вольтли электр узатиш тармоғини қуриш билан боғлиқ лойиҳалар;

- Қўнғирот сода заводининг иккинчи навбати бўйича лойиҳалар;

- Қамчиқ довонида автомобиль йўли участкаларида реконструкция ишлари, шунингдек, қатор кўприк ва йўлўтказгичларни барпо этиш билан боғлиқ лойиҳалар;

- “Мароқанд – Қарши”, “Қарши – Термиз” темир йўл участкаларини электрлаштириш ва ҳаракатланадиган таркибни модернизация қилиш билан боғлиқ лойиҳалар;

“Навоий” ЭИИЗ ва “Ангрен” МИЗ ҳудудларида амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар ва бошқалар.

3-боб бўйича хулоса

Ўтказилган таҳлиллар кўрсатишича, мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда айрим камчиликлар мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

- хорижий инвестицияларни жалб этилишида ҳудудлар ўртасидаги номуносивбликлар;
- ташаббускорларининг етарли даражада билимга эга эмаслиги, иқтисодий таҳлилларни йўқлиги;
- замонавий маълумот базаси - интернет ва иқтисодий журналлардан унумли фойдаланмаслиги;
- маҳаллий идора вакиллари музокаралар ўтказиш кўникмаларига эга эмаслиги;
- хорижий сармояли корхоналарни зарурий инфратузилма билан таъминлашга юзаки қараш ҳоллари;
- имтиёзли хорижий кредит линиялари тўғрисидаги маълумотномаларни тадбиркорларга етказишдаги сусткашликлар;
- салоҳиятли маҳаллий инвесторларни аниқлаш ишларини сустиги;

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг барча шакллари фаол жалб қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар қўйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг ҳудудий ва тармоқ тизимини такомиллаштириш нуқтаи назардан инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестицион муҳитни яратиш;
- гуруҳланган омиллар натижасида, нафақат, ҳудудларнинг балки барча микробосқичларда чет эл инвестициясини жалб этиш бўйича рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олиш;
- чет эл инвестициясини жалб этувчи ҳамда шу асосда товар экспорт қилишни кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёزلарни кенгайтириш;
- инвестиция лойиҳаларини иқтисодиётнинг макро ва микро даражасидаги эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқиш асосида

халқаро молия институтларининг республикамизда очган кредит линияларидан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаш;

- чет эл инвестицияларини тез қарор қабул қилишлари учун ҳисоб ва ҳисобот тизими самарадорлигини ошириш каби қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур.

2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастурини тўлиқ амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 42,5 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Хусусан нефт-газ тармоғига 21536 млн. доллар, тоғ-кон ва металлургия саноатига 1876 млн. доллар, машинасозлик саноатига 1176 млн. доллар, энергетикага 4517 млн. доллар, қурилиш молларини ишлаб чиқариш саноатига 983 млн. доллар, кимё саноатига 3078 млн. доллар, транспорт ва инфратузилма саноатига 5787 млн. доллар, енгил саноатга 870 млн. доллар, “Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси”га 596 млн. доллар ва бошқаларга 2101 млн. доллар йўналтирилади. Ушбу маблағларнинг тахминан 50% чет эл инвестициялари, 30% Ўзбекистон корхоналари ва компанияларининг хусусий маблағлари, 20% - Ўзбекистон тижорат банкларини қайта қуриш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларига тўғри келади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хорижий инвестициялар глобаллашув жараёнида энг асосий тушунчалардан бири бўлиб, у замонавий иқтисодиётни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда ўтиш даври мамлакатлари, хусусан Ўзбекистонда иқтисодиётни такомиллаштиришда чет эл капитали юзага келаётган ортиқча капитал танқислигини бартараф этишда катта ёрдам бермоқда. Бу масаланинг биринчи жиҳати бўлса, иккинчидан ривожланган мамлакатлар учун ўтиш даври мамлакатларига инвестиция киритиш ҳақиқий даромад манбаи бўлиши билан бирга “тажриба майдончаси” вазифасини ҳам ўтамоқда. Бунда ушбу мамлакатларнинг эскирган, ишга яроқсиз ҳамда янги, ҳали тажрибадан ўтмаган технологияларини инвестиция киритилаётган мамлакатларда синовдан ўтказишлари ҳисобига ортиқча даромад манбаига эга бўлаётганликлари назарда тутилмоқда.

Юқорида санаб ўтилган жиҳатлар жараёнининг ҳар икки томонга ҳам кутилган натижага эришишда керакли ёрдамни бераётганлигини кўрсатади.

Халқаро миқёсдаги инвестицион муҳитга назар ташлар эканмиз, бунда уни шартли равишда қуйидаги даврларга ажратиш мумкин бўлади:

1979-1981 йиллар, 1987-1990 йиллар ва айтиш мумкинки, учинчи босқич 1996-ҳозиргача бўлган давр. Юқоридаги босқичларни таҳлил қилиш натижасида инвестиция киритишнинг асосий омили сифатида, биринчи босқичда нефть ва нефтни қайта ишлаш саноатига киритилган инвестиция капитали, иккинчи босқичда ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатларга киритилган технологик воситаларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган, саноатни шакллантириш учун киритилган инвестиция маблағлари ва энг охирги шартли босқичда телекоммуникация, туризм ва қурилиш саноатини ташкил этиш учун киритилган инвестиция маблағлари характерланади.

Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари, хусусан Ўзбекистондаги тадбиркорлардан хориж капитали билан муносабатга киришишда талаб этиладиган энг асосий вазифа бўлиб, ҳамкорликни йўлга қўйишда, аввало тузилаётган лойиҳанинг реаллиги ва уни ўзини оқлашини олдиндан кўра

билиш, шунинг асосида қисқа муддатга киритилган хориж капиталини бирламчи ўз бизнесларини шакллантиришларига асос қилиб олиш, иккинчидан эса, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшиш ҳисобланади. Жаҳон мамлакатларининг инвестиция киритиш тажрибасини ўрганар эканмиз, бунда киритилаётган инвестициянинг реципиент мамлакат ижтимоий-иқтисодий менталитетига хос бўлиши шарт эмаслигини кўришимиз мумкин бўлади.

Бугунги глобаллашув ва интеграциялашув жараёнида инвестиция киритилаётган мамлакатлар иқтисодиётининг ҳозирги аҳволи шунини кўрсатмоқдаки, хорижий инвестициялар ва чет эл капитални асосига қурилган корхоналар ўзларининг муҳим стратегик ўсиш режаларига ва истикболларига эга бўлмоқда. Бунда корхона ўзининг молиявий аҳолини барқарорлашувида чет эл капитални асосига муҳим қафолатга эга бўлиши муҳимдир.

Мамлакат хориж капиталини жалб этар экан, бунда яна бир омил ижобий статусга эга бўлади, яъни мамлакат иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестиция мамлакатнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий муҳитини инсон омили характери ҳисобига яхшилашга хизмат қилади. Бунинг исботини чет эл сармоясини иқтисодиётга жойлаштиришда хорижий инвестор орқали ривожланган мамлакатларнинг ҳам бевосита реципиент мамлакат иқтисодиётини бошқаришда аралашиб қолаётганлиги, натижада барча ўтиш даври мамлакатларига хос бўлган ёмон иллатларнинг (коррупция, ўз мансабини суистеъмол қилиш, порахўрлик) ҳам бир қадар барҳам топиши натижасида ҳам кўриш мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида миллий иқтисодиётни шакллантиришда янгича ўзига хос механизмнинг пайдо бўлишига олиб келиши табиий.

Ўзбекистонда олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг энг асосий жиҳати, иқтисодиётни эркинлаштириш, инфратузилмани такомиллаштириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилиш ва халқ фаровонлиги таъминлашдан иборатдир.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестицион муҳит асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бу борада мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган қуйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим: тез-тез ўзгариб турадиган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, солиқ тизими; инвестиция ва кредитларга оид таваккалчиликнинг юқори даражадалиги; инвестицияларни муҳофаза қилиш, маҳсулотларни ажратиш механизмининг барқарорлик даражаси; банк тизимидаги айрим нуқсонларнинг мавжудлиги (ички бозорларда пул ресурсларининг танқислиги, улар тузилмаси муддатининг қисқалиги, тўлов ва ҳисоб-китобларнинг йўлга қўйилмаганлиги, банк ходимларининг инвестиция ва кредитларга оид таваккалчилигини баҳолаш тажрибасининг етишмаслиги кабилар); инфратузилма даражасининг пастлиги (аудит, сугурта, консалтинг, баҳолаш, ҳуқуқий мадад, телекоммуникациялар, транспорт ва меҳмонхона хизмати); фонд бозорининг суств ривожланганлиги, депозит хизматининг номукамаллиги, бозорга тегишли маълумотларнинг етишмаслиги, фонд қимматли буюмларининг паст ликвидлилиги; корхоналарда менежментнинг йўлга қўйилмаганлиги; эришилган битимларнинг бажармасликка йўл қўйилиши, инвестиция лойиҳаларини келишиш амалиётининг мураккаблиги, ҳисобга олиш тизимининг бухгалтерия ва молия ҳисоби ва ҳисоботи стандартларининг халқаро тизимиға мувофиқ эмаслиги ва ҳ.к.

Мамлакатдаги инвестицион иқлимни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бугунги кунда чет эл сармоясини киритишда энг асосий муаммо киритилаётган инвестицияларнинг ҳудудий тақсимланиши даражаси билан болғиқ бўлмоқда. Аммо бу борада қабул қилинган Давлат Дастури юқоридаги муаммони ҳал этишнинг ҳам бир қатор ечимларини белгилаб беради. Бунда хориж капитали негизида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг мамлакат экспорт салоҳияти таркибида ўсиб борувчи салмоққа эға бўлишлари алоҳида эътироф этилади.

Ҳукумат томонидан олиб борилаётган инвестицион сиёсат, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар чет эл инвесторлари учун ўз капиталларини Ўзбекистонга киритишда ўзига хос қафолат вазифасини бажармоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий иқтисодиёти хориж капиталини киритишда иккинчи босқичга ўтмоқда, яъни бунда биринчи босқичда бўлгани каби ҳар қандай хориж инвестори билан дуч келган лойиҳа устида ҳамкорликни йўлга қўявериш эмас, балки қабул қилинаётган лойиҳадан кутилаётган манфаатнинг миқёси қай даражада эканлигини бирламчи ҳисобга олиш масаланинг асосий жиҳати сифатида қаралади.

Эндиликда миллий инвестицион сиёсат қуйидаги йўналишларда ҳаракатланмоғи лозим бўлади:

- иқтисодиётнинг таркибий қуролланишида, шунингдек такомиллашувида инвестицияларнинг фаол ҳаракатланиши;

Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашуви да алоҳида талаблар асосида муомалага киришиш;

- инвесторлар билан бўладиган муносабатда “очиқ эшиклар” сиёсатини юритиш, бунда технологик таъминот ва иқтисодиётнинг нисбатан кам ривожланган соҳаларини такомиллашувига йўналтирилган лойиҳалар билан имкон қадар кўпроқ ишлаш;

- лойиҳаларни миллий кредит тизими асосида молиялаштириш, бунда бирламчи қарз берувчи сифатида Ўзбекистонни танлаш;

- ижтимоий ва экологик жиҳатдан инвестиция дастуридан кутиладиган оқибатларнинг ижобийлашиб боришини алоҳида эътироф этиш.

Мамлакатимиз иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниш тенденцияси ҳамда хорижий инвестицияли корхоналарнинг фаолиятдан келиб чиқиб, қуйидаги муаммоларни ечиш зарур:

- миллий валюта — “сўм”нинг эркин конвертирланишидаги тўсиқлар мавжудлиги;

- инвестицион лойиҳаларни ташкил этишда марказлашган ҳолда бошқарувнинг юқорилиги;

- ишлаб чиқарувчилар мустақиллигининг камлиги;
- шу билан бир вақтда лойиҳаларни бажаришда ноқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг мавжудлиги;
- маркетинг тадқиқотининг заифлиги;
- профессионал лойиҳа-инжиниринг компанияларининг саноқли эканлиги ва яхши ривожланмаганлиги.

Ўзбекистон иқтисодиётида хорижий инвестициялар билан олиб борилаётган иқтисодий сиёсат таҳлили натижасида қуйидаги таклифларни киритиш мумкин:

- Миллий валюта–“сўм”нинг эркин конвертирланишидан инвестицион лойиҳаларни тузишда имкон қадар кенгроқ фойдаланиш;
- Инвестицион лойиҳаларни ташкил этишда давлат аралашувини ва марказлашган ҳолда бошқарувни камайтириш, бунда тадбиркорларнинг бевосита хориж тадбиркорлари билан ҳамкорлик қилишларини таъминлаб бериш;
- Инвестицион лойиҳада статистик ҳисоботга қўйиладиган талабнинг қисқартирилиши, талаб этилаётган маълумотларни умумлаштириш, яъни ишлаб чиқарувчилар фаолиятини имкон қадар мустақиллигини таъминлаш;
- Лойиҳани бажаришда масъул ходимлар учун ўз қарорлари юзасидан бўладиган жавобгарликлар бир мунча оширилиши лозим, шунда уларнинг ноқонуний ҳатти ҳаракатларига бир қадар чек қўйилади;
- Янги таклиф этилаётган лойиҳада жаҳон бозорига чиқиш стратегиясини бирламчи мақсад қилиб белгилаб олиш;
- Маҳаллий аҳолига корхоналарнинг иш фаолияти ҳақида ОАВлар орқали реклама роликлари ҳамда махсус чиқишлар орқали ҳаётий ва ишонарли маълумотларни бериб бориш.
- Хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестицион лойиҳаларни, уларнинг барча ҳужжатлари, техник иқтисодий асосини сифатли ва талаб даражасида ишлаб чиқиш учун юқори малакали лойиҳа-инжиниринг

кадрлари билан ишловчи лойиҳа-инжиниринг компанияларини кўпайтириш зарур.

Ўзбекистонда инвестицияларнинг иқтисодиёт юксалишидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, белгиланган вазифаларининг амалга оширилишини таъминлашда чет эл инвестицияларининг алоҳида ўрин тутишини инобатга олган ҳолда уларни барча шакллари бўйича жалб этиш чора-тадбирларининг бажарилиш сифатини ошириш зарур.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг барча шакллари фаол жалб қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар қўйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг ҳудудий ва тармоқ тизимини такомиллаштириш нуқтаи назардан инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестицион муҳитни яратиш;

- гуруҳланган омиллар натижасида, нафақат, ҳудудларнинг балки барча микробосқичларда чет эл инвестициясини жалб этиш бўйича рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олиш;

- чет эл инвестициясини жалб этувчи ҳамда шу асосда товар экспорт қилишни кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёزلарни кенгайтириш;

- инвестиция лойиҳаларини иқтисодиётнинг макро ва микро даражасидаги эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқиш асосида халқаро молия институтларининг республикамизда очган кредит линияларидан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаш;

- чет эл инвестицияларини тез қарор қабул қилишлари учун ҳисоб ва ҳисобот тизими самарадорлигини ошириш каби қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур.

Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб этилишига ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 1998 йил 24 декабрдаги Қонуни. № 719-1 Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги Қонуни. //”Солиқлар ва божхона хабарлари” газетаси, 2004 йил 10 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 12 декабр 52/1-сон.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги «Ангрен махсус индустриал зонани барпо этиш тўғрисида»ги Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1855-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида

эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида” Фармони
04.12.2008

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда
“Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион
дастури тўғрисида”ги 1455-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда
“Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион
дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори.

13. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини
ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ–1442–сонли
Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги
«2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва
технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш
чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги
"Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони.

16. 2013 йил 2 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг "Жиззах" махсус индустриал зонаси ҳудудида юксак
технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш чора-тадбирлари
тўғрисида"ги қарори

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

17. И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва
модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

18. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга
кўтарадиган йил бўлади. “Халқ сўзи” газетаси, 20 январ 2012 йил.

19. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз
тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат

килади” //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

20. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

21. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

22. И.А.Каримов «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир». -Т.: Халқ сўзи, 14-Феврал, 2008 йил.

IV. Асосий адабиётлар

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – “Ўқитувчи” НМИУ, 2012. – 282 б.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. – 2011.

26. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма – Т.: Иқтисодиёт. - 2010.

27. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажигакиев, Н.Г.Муминов “Хорижий инвестициялар”-Т “Молия”, 2010 й.

28. Ё.К.Қориева, И.У.Нематов “Хорижий инвестициялар” фани бўйича таълим технологияси. /“Иқтисодий таълимдаги ўқитиш технологияси” сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2008, 154-бет.

29. Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. -2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. - 584 с.

30. Б.Зи, К.Алекс, М.Алан. Принципы инвестиций, 4-е издание: Пер с англ. «Вильямс», 2008. – 984 с.

31. Царев В.В. Оценка экономической эффективности инвестиций. – СПб.: Питер, 2008. - 482 с.

32. Шевчук Д.А. Организация и финансирование инвестиций. Ростов н/Д.: Феникс, 2008. – 272 с.

33. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2007.

V. Қўшимча адабиётлар

34. Миллий иқтисодиётни инновациялар асосида ривожлантиришнинг институционал муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами (2012 йил 25 апрель). – Т.: ТДИУ, 2012. -284 бет.

35. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.

36. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б.

37. Беренс В., Хавранек П. «Руководство по оценке эффективности инвестиций» М: Интерэкспорт, 2008.

38. Ваҳобов А. ва бошқалар. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик. – Т.: «Шарқ», 2003.

39. Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2003. 29 б.

40. Четыркин Е.М. Методы финансовых и коммерческих расчётов. - М.: 1995.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

41. Мадраҳимов У. Иқтисодий ўсишга омиллар самарадорлигининг таъсири. “Бозор, пул ва кредит”/07 (182), 2012 й.

42. Аҳмедов И. Саноат тармоқларига йўналтирилаётган сармоялар иқтисодий барқарорлик ва фаровон турмуш кафолатидир. “Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил 15 февраль, № 32 (5706).

43. Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибадорликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 2-сон, 122 б.

44. “Нефтегазовый сектор: пора выходить на качественно новый уровень” //Экономическое обозрение” № 11(133) 2010. стр. 33.

45. Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-б.

46. Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.

47. Чет эл инвестицияларини жалб этишнинг истиқболли йўналишлари. //Ҳамкор.Уз.2008, № 17.

48. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

49. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2011.

VII. Интернет сайтлар

50. www.gov.uz

51. www.press-service.uz

52. www.mfer.uz

53. www.UzA.Uz.

54. www.review.uz

55. www.cer.uz

56. www.mfa.uz

57. [http:// www.stat.uz](http://www.stat.uz).

ИЛОВАЛАР

1-жадвал**ЯИМнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби, (фоиз ҳисобида)**

Йўналишлар	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
ЯИМ жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Истеъмол	77,0	72,9	83,4	67,1	66,0	63,8	64,6	65,8	70,0	65,7	68,0
Ялпи жамғариш	26,8	24,2	15,9	23,0	24,8	22,6	31,0	28,8	20,4	26,5	28,9
Соф экспорт	-3,8	2,9	0,7	9,7	9,1	13,6	4,4	5,4	9,6	7,8	3,1

2-жадвал**ЯИМнинг тармоқ таркиби, (фоиз ҳисобида)**

	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Иқтисодиёт жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Саноат	26,3	17,1	14,2	20,7	22,1	24,0	22,3	23,6	24,0	24,0	24,0
Қишлоқ хўжалиги	37,4	28,1	30,1	25,0	24,1	21,7	19,4	18,2	17,5	17,6	17,5
Қурилиш	10,4	7,1	6,0	4,9	5,1	5,5	5,6	7,4	6,4	6,1	5,9
Хизматлар	26,2	34,6	37,2	38,4	39,5	39,3	43,3	44,1	45,1	44,5	44,9
Соф эгри солиқлар	-0,3	13,1	12,5	11,0	9,2	9,5	9,7	6,7	7,0	7,8	7,7

3-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда ривожлантиришнинг
макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози (олдинги йилга нисбатан
фоизда)**

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	108,2	108,0
Саноат маҳсулотлари чиқариш	107,7	108,4
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	107,0	106,0
Капитал қуйилмалар ҳажми	111,6	109,3
Чакана савдо айланмаси	113,9	113,8
Хизмат кўрсатиш ҳажми	114,2	116,0
Истеъмол нархлари индекси	107,0	107-109
Давлат бюджети камомати (ЯИМга нисбатан фоизда)	+0,4	-1,0
Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси (йиллик)	12	12

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида”ги ПҚ-1887 сонли қарори, 2012 йил 25 декабрь.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида саноат ривожланишининг 2011-2015
йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ²⁴

	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Саноатнинг ЯИМ даги салмоғи (фоиз ҳисобида)	23,9	24,1	24,8	25,8	26,8	28,0
Тайёр маҳсулотнинг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги салмоғи, %	50,6	51,7	53,6	56,2	58,7	61,2
Саноатга киритиладиган инвестициялар ҳажми, млн. АҚШ доллари	2 668,9	3 207,9	3 923,9	4 891,1	6 118,9	7 531,6
Саноат маҳсулоти экспортининг саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмидаги салмоғи, %	38,0	42,3	46,1	51,8	58,0	63,2
Умумий экспорт таркибида саноат маҳсулоти экспортининг улуши, %	51,1	61,7	62,5	65,3	69,7	71,8


5-жадвал

Асосий турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози

№	Саноат маҳсулотлари турлари	Ўлчов бирлиги	2012	2013 (прогноз)	2014 (прогноз)	2015 (прогноз)
1	Енгил автомобиллар	минг дона	235,5	245,0	250,0	260,0
2	Автобус ва юк автомобиллари	минг дона	3,7	3,0	3,1	3,2
3	Кучли ток кабеллари	минг км	13,6	13,5	14,0	14,5
4	Музлаткичлар	минг дона	17,8	90,0	95,0	110,0
5	Телевизорлар	минг дона	26,7	105,0	109,0	112,5
6	Энергия тежовчи чироқлар	минг дона	2007,6	28400,0	28700,0	28870,0
7	Калий ўғитлари	минг тонна	125,3	200,0	300,0	450,0
8	Калцийланган сода	минг тонна	92,0	100,0	100,0	100,0
9	Қурилиш ойнаси	минг кв.м.	13051,4	12140,0	12530,0	13000,0
10	Керамик плиталар	минг кв.м.	4350,0	3800,0	4500,0	5800,0
11	Пахтадан ип-калава	минг тонна	140,6	345,6	435,2	524,0
12	Тайёр газмоллар	млн.кв.м.	56,4	241,4	268,2	304,0
13	Трикотаж буюмлар	млн.дона	64,6	132,7	162,3	241,3
14	Пайпоқлар	млн.жуфт	3,2	30,2	42,1	48,0

Изоҳ: Прогноз кўрсаткичлари “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Дастур параметрларидан олинган.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги №ПҚ-1442 сонли Қарори.




1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда²⁵

6-жадвал


Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2

²⁵ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари



2-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси, млрд.долл.²⁶



3-расм. Мамлакатимизда 2012 йилда экспорт қилинган товар ва хизматларнинг таркиби

²⁶ Қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

7-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда ²⁷

Экспорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Пахта толаси	59,7	27,5	9,0	9,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	13,2	6,7
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	2,3	2,9	5,6	5,8
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	18,5	37,4
Қора ва рангли металллар	4,6	6,6	7,4	8,0
Машина ва ускуналар	1,7	3,4	6,7	7,0
Хизматлар	1,3	13,7	11,8	17,6
Бошқалар	9,4	30,2	27,8	7,9

8-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг импорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда²⁸

Импорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Машина ва ускуналар	12,1	35,4	41,3	45,4
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	9,7	13,6	13,3	14,4
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	3,1	3,8	8,1	7,3
Қора ва рангли металллар	10,2	8,6	8,1	7,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	12,3	12,4	9,9
Хизматлар	1,5	8,5	5,3	6,1
Бошқалар	14,5	17,8	11,5	9,1

²⁷ Манба: http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

²⁸ Қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/